Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 206 (20. 174) • 1988 йил 8 сентябрь • пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ИНСОНГА — ҒАМХЎРЛИК

АҲОЛИГА ПУЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАШ БИЛАН ИЗЧИЛ ВА МУНТАЗАМ ШУҒУЛЛАНАЙЛИК

Аҳолига яхши ташкил этилган хизмат инсон ҳақида кўрсатилган ғамхўрлик одамларнинг ўзини қандай ҳис этиши, кайфиятини белгилаб берувчи муҳим омил эканлиги маълум. Улар бугунги кунда маошларининг ошиб боришигина эмас, турмуш, ишлаб чиқариш шароитлари яхшиланиб бораётганини ҳам кўпроқ қадрлайдиган бўлиб қоямоқдалар. Қайта қуриш барча соцнал-иқтисодий ўзгаришлар марказига инсон омилини қўйётганлигининг боиси ҳам ана шунда. Хизмат кўрсатишнинг юксак даражада ривожланган замонавий соҳасини вужудга келтириш лозимлиги КПСС XXVII съездида ҳам XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида ҳам алоҳида куч билан таъкидланган эди.

Партия, совет, хўжалик органлари бу вазифанинг моҳиятини чуқур тушуниб етган, кадрларга нисбатан талабчанлик оширилган жойларда ишда олға томон силжиш рўй бермоқда. Наманган области, шунингдек, республика, Соғлиқни сақлаш, Юстиция министрликлари, Граждан авиацияси бошқармаси, Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети ва бошқа айрим корхона ва ташкилотлар бу борадаги планларни бажарадиган бўлиб қолдилар. Пуллик хизмат кўламини ошириб бораётган корхона, ташкилот ва муассасалар сафи кенгайиб бормоқда. «Тошкент трактор заводи», В. И. Ленин номидаги электрон-техника заводи, «Средазкабель», ва бир қатор колхоз ҳамда совхозлар ўз меҳнатчиларига хизмат кўрсатишнинг ўндан ортиқ турини йўлга қўйдилар.

Ишга оқилона ёндашаётган, мавжуд имкониятларни ишга солиш тадбирлари белгиланаётган жойларда хизмат соҳасини ривожлантириш бўйича янги-янги тажрибалар юзага келмоқда, меҳнаткашларга янада қулайликлар яратилаётир. Ишчиларга хизмат қиладиган транспорт воситалари ўз йўналиши бўйича йўловчиларни тегишли ҳақ эвазига манзилларига элтиб қўйишни йўлга қўйилмоқда. Тошкент шаҳридаги 2-автокомбинат транспортчиларининг бу тажрибасидан корхона ҳам, шофёрлар, йўловчилар ҳам манфаат кўраётир. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида коллективда кўрсатилаётган хизмат сифати ва савияси тобора яхшиланиб бормоқда. Ишчилар бирлашмадаги магазинидан керакли нарсаларни сотиб олиши, дорихона хизматидан фойдаланиши мумкин. Бу ерда этикдўзликдан тортиб, тикувчилик, сартарошлик хизматларигача мавжуд. Маиший хизматининг қабул пункти очилган. Хизмат кўламли ва сифатли бўлиб бораётган коллективларда кадрлар қўнимсизлиги камайиб, меҳнат унумдорлиги ошиб бормоқда.

Аммо социал масаланн ҳал этишга ижодий муносабат ҳамон кенг оммалашмаётир. Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа корхоналаридаги кўпгина раҳбарларнинг план учун курашни меҳнаткашлар тўғрисидаги ғамхўрлик билан уйғунлаштириб бормаётганлиги сабабли пуллик хизматни ривожлантириш натижалари пастлигича қолмоқда. Ишчиларнинг эҳтиёжларига лоқайдлик билан қараш, хизмат соҳасини ривожлантиришга снёсий жиҳатдан ёндаша билмаслик бу соҳадаги планларнинг барбод бўлишига олиб келаётир. Моддий неъматларни социал адолат принципларига риоя этиб тақсимлаш, одамларнинг кундалик рўзғор ташвишларига ёт бўлган чайқовчилар, порахўрлар ва бошқа текинхўрларнинг жиноий ҳатти-ҳаракатларн пайи кескин қирқиб ташланмаяпти.

«Совет Ўзбекистони» редакциясига келаётган хат-хабарлар савдо ва маиший хизмат соҳаларида ҳамон иш маданиятини юксалтириш ўрнига харидорлар ҳақидан уриб қолиш, камёб буюмларни оширилган нархларда сотиш кўп учраётганлигидан далолат бермоқда. Андижон районидан хат йўллаган Р. Аҳмедов шу райондаги Хартум савдо комплексининг директори Н. Хонкелдиев 50 тонна шакарни турли хўжаликлар ва шахслар билан эримдан келишган ҳолда устама нархларда сотганлигини хабар қилади. «Қарши районида кўпгина товарларни оширилган нархларда сотишни одат қилиб олишган. 50 килограммлик қопдаги ун учун 15 сўм, 70 килограммлик қопдаги ун учун 19 сўм ҳақ олишаётганига таажубланаётибмиз»,— деб ёзибди Р. Бойматов. Яккабоғлик Ш. Маҳмудов савдо корхоналарида кундалик эҳтиёж товарларига тақчиллик сезилаётганлиги, савдо ходимларининг кўпол муомалада бўлаётганликлари, Қарши шаҳрилик Н. Дўстмуродов эса харидоргир моллар пештахта остидан яширнб пулланаётганн, давлат ва кооператив савдоси етарли назорат этилмаётганини ёзганлар. Узбекистон ССР Савдо министрлиги ва Узбекбирлашув аҳолини халқ истеъмоли молларн билан таъминлашдаги камчиликларни бартараф этишда суст каашлик қилмоқдалар. Савдо корхоналарининг иш графиги кўпинча харидорларнинг эҳтиёжлари, талабларига мос бўлмай, зарур қулайликлар яратишда мувофиқланмаётир.

Айни вақтда республикамиз аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш бўйича мамлакатимизда охирги ўринлардан бирида турибди. Хизматлардан фойдаланиш даражаси Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан деярли икки баравар паст. Аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш соҳасида республика областлари ўртасида ҳам кескин тафовут бор. Агар Ўзбекистон ССРда ҳар бир киши ҳисобига ўрта ҳисобда йилига 78 сўмлик хизмат кўрсатилса, Сурхондарё области ҳамда Қорақалпоғистон АССРда 30 сўмлик атрофида хизмат кўрсатилмоқда. Кўпгина кўрсаткичлар бўйича олға силжиш у ёқда турсин усиш ҳам замф бўлган позицияларни бериб қўймоқдамиз, пуллик хизмат кўрсатиш планларини беш йилликнинг икки йили мобайнида бironта ҳам область бажармадики, бундай камчиликлар билан муросасозлик қилиш асло мумкин эмас.

Маҳаллий партия, Совет ва хўжалик органларининг раҳбарлари меҳнатчиларнинг кундалик эҳтиёжлари ва ташвишларига кўпинча бефарқ қарамоқдалар. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, оқилона иш тутиш ўрнига тартибсизлик, папапартишликка эрк берилаётган соҳалар ҳам йўқ эмас. Республикамиз автомат-телефон станцияларида 150 минг номердан фойдаланилмаётганн ҳолда меҳнаткашлар уйларига телефон тушириш учун йиллаб навбатда турмоқдалар. Колхоз-совхозларда талаб транспорт воситалари бўла туриб, меҳнаткашларнинг томорқа маҳсулотларини бозорларга элтиб бериш масаласи муаммолигича қолиб келмоқда.

Советлар аҳолига турли-туман хизмат кўрсатишни ташкил этишда ғоят муҳим роль ўйнайдилар. Бу борадаги масъулият бевосита уларнинг зиммасидадир. Афсуски Советлар кўпинча эскича иш тутмоқдалар. Меҳнат коллективларида ташкилотчилик ўрнига мажлисбозликка берилиб кетиш, кўпдан-кўп беҳуда қарорлар чиқараверши уларга хос хусусият бўлиб қолмоқда. Маҳаллий ҳокимият органлари ўзларига берилган кенг ҳуқуқ ва ваколатлардан тегишли тарзда фойдаланаётганлари йўқ. Пуллик хизматларни ривожлантиришда катта имкониятларга эга бўлган кооператив ҳаракатини ривожлантириш ва унинг фаолиятини қаттиқ назорат этишга эътиборни кучайтириш лозим. Пуллик хизматни тўғри планлаштиришдан тортиб ишлаб чиқарилган маҳсулотларга нарх белгилашгача бўлган комплекс вазифалар бевосита Советлар фаолиятида муҳим ўрин тутмоғи лозим.

Партия ва ҳукуматимиз мамлакатимизда ўн учинчи беш йиллик охиригача аҳолининг пуллик хизматга бўлган эҳтиёжини асосан қондириш, бу соҳани йил сайин 15—20 процентдан ривожлантириб бориш вазифасини қўймоқда. СССР Министрлар Советининг «Аҳолига пуллик хизмат соҳасини тубдан қайта қуриш тадбирлари тўғрисида»ги, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига диққат-эътиборни кучайтириш тўғрисида»ги қарорларида ҳам бу вазифалар конкрет кўрсатиб берилган. Энди гап Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси кўрсатмалари бўйича қабул қилинаётган қарорларни оғишмай изчо этишда қолган.

ТЕРИМДА СУРЪАТ, СУРЪАТ ВА ЯНА СУРЪАТ БЎЛСИН!

ПАХТАКОР, МЕХАНИЗАТОР, ХИМИЗАТОР ВА МУТАХАССИС ЎРТОҚЛАР!

● «Оқ олтин» теримида қизғин дамлар бошланди. Ишда суръат ва сифат бирлигини таъминлайлик.

● Пайкалларни машина теримига пухта тайёрлаш — шу куннинг энг муҳим вазифаси.

● Дефолиацияни барвақт ўтказишга эришайлик.

● Ҳамма «зангори кема»лар тайёргарлик чизиғида бўлсин.

● Ҳосил йиғим-терими пешқадамлари — Хоразм, Андижон, Қашқадарё ва Сурхондарё областлари пахтакорларидан ўрнак олинг.

● Самарқандлик, бухоролик, жиззахлик заршунослар, теримга қачон тушасиз?

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 7 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани	
			Бир кунда	Мавсум бошидан
Хоразм	1,25	6,41	—	—
Андижон	0,68	4,06	—	—
Қашқадарё	0,61	2,23	0,07	0,19
Сурхондарё	0,48	1,78	—	—
Наманган	0,44	1,03	—	—
ҚҚАССР	0,23	0,81	—	—
Фарғона	0,34	0,69	—	—
Тошкент	0,20	0,68	—	—
Сирдарё	0,01	0,02	—	—
Навоий	—	0,01	—	—
Республика бўйича:	0,36	1,48	0,01	0,02
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Сурхондарё	0,54	2,11	—	—
Наманган	1,18	1,80	—	—
Қашқадарё	0,16	0,52	—	—
Республика бўйича:	0,41	1,52	—	—

*) маълумот аниқланган.

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республикада ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида 7 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун— областлар, иккинчи устун— бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Қашқадарё	6,0	26,7
Жиззах	5,8	21,1
Сурхондарё	2,8	11,6
Тошкент	5,4	7,7
Хоразм	5,0	7,4
Наманган	2,6	5,9
Қорақалпоғистон АССР	1,3	3,6
Андижон	1,0	2,9
Сирдарё	1,8	2,8
Бухоро	0,8	0,8
Навоий	0,5	0,5
Фарғона	0,2	0,4
Самарқанд	0,1	0,1
Республика бўйича:	2,8	8,4



Замондошларимиз

Ч Е В А Р

Кўпдан орзиқиб кутилган дамлар келди. Янгийўл шаҳридаги «Партия XXI съезди» колхозида ҳам пахталар чамандек очилди. Лўппи, оппоқ чаноқлар чевар теримчиларни дам сайин чорлаб турибди.

Хўжаликда пахта теримн қизғин бошлаб юборилди. Мусобақада кўпмингкилограммчи теримчилар олдинда. Айниқса, Умринисо Эрматова эришаётган ютуқлар салмоқли. У кунига 80—100 килограммдан «оқ олтин» териб, хирмонга баракали улуш қўшяпти.

— Бу йил чинакам пахта йили келди,— дейди Умринисо. — Ҳосил ўтган йиллардагидан анча эрта етилди. Энди унинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай, йиғиштириб олсак — марра бизники.

Хўжаликда ким билан суҳбатлашманг, илғор теримчи У. Эрматованинг фикрини такрорлайди: пахта-қу мўл, эртаки бўлди, энди ҳамма гап — уни барвақт, сифатли териб олишда!

Суратда: илғор теримчи Умринисо Эрматова.

У. Қўшвоқов фотоси.

Пайкалларда агрегатлар

ҚАРШИ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Қашқадарё области далаларида пахта қийғос очилди. Колхоз ва совхозларда ҳосил йиғим-терими авж олиб кетди. Кўча ва йўлларда пахта ортган автомашина ва тележкаларга кўзингиз тушади.

Маълумки, ғўза баргини яхши тўктирмай туриб, машина теримида кўзланган мақсадга эришиш қийин. Буни тўғри англаган заршунослар дефолиацияга жиддий эътибор бермоқдалар. Ҳозиргача область колхоз ва совхозларида 30 минг гектар ердаги ғўза дефолиация қилинди.

— Ғўза баргини тезроқ тўктириш — ҳосил сифати учун ҳам, салмоғи учун ҳам фойдали, — дейди область партия комитети қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлими мудири Т. Каримов. — Бир кунда 420 та «ОВХ», 20 дан зиёд самолёт ишлатилянти. Бу билан 8-10 минг гектар ердаги ғўза дефолиация қилинмоқда. Суръат эрта-индин бундан ҳам ошади. Кунига 15-20 минг гектар майдондаги ғўза ё ердан, ё юқоридан дефолиация қилинади. Бунинг учун колхоз ва совхозларда «ОВХ» аппаратлари 800 тага етказилади. Граждан авиациясининг 40 дан зиёд самолёти ишлайди.

Барги тўктирилган пахтазорларда йиғим-терим техникаси бир меъёрда ишламоқда. Бу ишда Қамаши районидаги Ленин номли колхоз, Косон районидаги 39-, 52-, 53-совхозлар карвонбоши. Кунлик ўсишда ҳозирча косонликлар пешқадам.

— Бунинг боиси нимада?

Телефонда Косон район партия комитетининг биринчи секретари Қ. ТЎЙЧИЕВ:

— Колхоз ва совхозларимизда аввало дефолиация сифатига алоҳида эътибор бериляпти. Бу йил биринчи марта ялпи ҳосилнинг 75 проценти ёки камида 40 минг тонна пахтани машиналарда терамиз, — деб сўз берганмиз. Шу кунларда 39-, 52-, 53-қўриқ хўжаликлар, Энгельс номли совхоз, «Партия XXII съезди» колхозида машина терими суръати юқори.

Айни пайтда далаларда 70 дан кўпроқ пўлат агрегатлар унумли ишлатилянти. Кунига бункерлардан 10-12 тонна «оқ олтин» тўкаётган дала гвардиячилари бор. Шу ҳисобдан куни кеча район кунлик суръатда бир процентдан ошди. Ҳадемай пайкалларда 500 та агрегат ишлатилади. Бу эса кунига йиллик планнинг 4-5 процентн миқдорида пахта тайёрлаш имконини беради.

М. КАРОМОВ.

КУНИГА УЧ ПРОЦЕНТДАН

Олтиариқ районидаги «Ўзбекистон» колхозининг Султонқул Қодиров бошлиқ юқори ҳосилли бригадаси аъзолари бу йил ҳалол меҳнат билан барча пайкалларда мўл ҳосил тўпладилар. Ҳосил ҳар йилдагига нисбатан 20-25 кун илгари етилди. Август охирларидаёқ бригада далалари оппоқ бўлиб кетганди.

Бригада аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб, теримга барвақт тушишди. 29 август куни далага 80 нафар теримчи чиқди. Кечгача бир пайкалнинг ўзидан 4 тоннадан ортиқ «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Бироқ кечқурун прицепларга пахтани ортиб, «Эскиариқ» пахта тайёрлаш пунктига олиб борган ҳайдовчи И. Ҳамдамов хомуш қайтди. Маълум бўлишича, пунктда ҳали пахтани қабул қилиб олишга ижозат йўқ экан. С. Қодиров пункт раҳбарлари билан анча талашиб-тортишганидан сўнгтина бригада пахтасини пункт ҳовлисига вақтинча тўплаб қўйишга рухсат берилди.

Оммавий терим бошлангандан кейингина бригада пахтасини бирваракайига қабул қилишга келишилди. Ўша кундан буён коллектив пахтаси пунктга тўкилаверди. Айни пайтда пунктда бригаданинг 60 тоннага яқин пахтаси бор. Бу эса йиллик планнинг 25 процентн, демак.

Чамандек очилган пайкалларни оралаймиз. Дарҳақиқат, ҳосил мўл. Пайкаллардаги ҳар бир туп ғўзада ҳозир ўртача 4-5 тадан очилган оппоқ чаноқлар кўзни қувонтиради, 13-14 тадан кўсак эса баравар етилиб келяпти. Бригада бу йил план бўйича ҳар гектар ердан 31 центнердан пахта топшириши керак. Улар ҳосил чўғини чамалаб, ҳар гектар ердан 38 центнердан пахта териб олиш мумкин, деган хулосага келдилар. Миришкорлар ҳосилни ўз кучлари билан, четдан ҳашарчи жалб этмай йиғиштириб олишга қарор қилишган.

Теримнинг дастлабки кунлариданоқ далага 80—85 нафар колхозчи чиқяпти. Ҳожила Мирзаева, Шарофат Ҳамроалиева, Холтожи Қодирова, Карима Бобожонова, Ҳафиза Ҳамроалиева сингари илғор теримчилар кунига 150—170 килограммдан пахта териб, бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Уларнинг унумли ишлашлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Иссиқ овқат ташкил этилган. Мавсумий болалар боғчаси ишламоқда. Бригада аъзолари кунига йиллик планнинг 2,5-3 процентн миқдорида пахта тайёрлашга эришяптилар. Терим суръати кундан-кунга кўтарилиб бормоқда. Коллектив нафақат колхозда, балки районда ҳам пешқадам.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СОВЕТ-АФҒОН УЧИШИ ПРОГРАММАСИ БАЖАРИЛДИ

Космонавтлар Владимир Ляхов ва Абдул Аҳад Моманд—ерда

ТАСС ахбороти

Владимир Ляхов ва Афғонистон Республикасининг гражданн Абдул Аҳад Моманддан иборат халқаро экипаж 1988 йил 7 сентябрь Москва вақти билан соат 4 дан 50 минут ўтганда ерга қайтиб тушди. Ерга қўнгандан кейин ҳар иккала космонавт ўзини яхши ҳис этмоқда.

Илгари хабар қилинганидек ерга тушиш программаси автоматик тарзда муддатидан илгари тўхтаб қолганлиги сабабли «Союз ТМ-5» кемаси мўлжалланганидек 6 сентябрда қўндирилмади. Учишни бошқариш маркази юзага келган вазиятни ҳар томонлама таҳлил этиб, кемани белгиланган районда қўндиришни таъминлаш учун зарур қарорлар қабул қилди.

7 сентябрь Москва вақти билан соат 4 дан 01 минут ўтганда кема ичидаги автоматларнинг командаларига биноан кемани тормозлантириш учун мотор қурилмаси ишга туширилди. Мотор ишлаб бўлгандан кейин «Союз ТМ-5» кеманинг туширилувчи аппарати прибор-агрегат бўлмасидан ажралиб атмосферада одам бошқарувида тушди ва Жезқазғон шаҳридан 160 километр жанубн-шарқда ерга қўнди.

Совет-Афғон халқаро экипажининг учиш программаси ниҳоясига етди. Владимир Титов, Муса Манаров ва Валерий Поляков орбитада ишлашни давом эттирмоқдалар.

Одам бошқарадиган «Мир» комплекси ичида 6 кунлик учиш чоғида совет ва афғон космонавтлари белгиланган қўшма тадқиқотлар ҳамда экспериментларни тўла-тўкис бажардилар.

Катта ҳажмдаги геофизика тадқиқотлари ўтказилди, бу тадқиқотлар Афғонистон Республикаси территориясини фотосуратга олиш, спектрометрлаш ва визуал кузатишларни ўз ичига олди. Олинган материаллар мамлакат илм-фани ва халқ хўжалигининг турли тармоқларини, жумладан геология ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга хизмат қилади.

Халқаро экипажнинг ишида медицина экспериментларига каттагина ўрин ажратилган эди. Бу экспериментлар одам бошқарадиган совет орбитал комплексларида бажарилаётган илмий-тадқиқотлар истиқболли программасининг бир қисмидир. Болгария мутахассислари ясаган аппаратлар ёрдамида вазнсизликка кўникиш даврида одамнинг ишлаш қобилияти ҳамда унинг организмидаги ўзгаришлар ўрганилди.

Биргаликдаги учиш вақтида асосий экипажнинг иш программасига мувофиқ юқори атмосфера физикаси соҳасида бир неча турқум тадқиқотлар бажарилди, вазнсизлик шароитида олий ўсимликларнинг ривожланишини бундан буён ҳам ўрганиш соҳасидаги экспериментлар давом эттирилди, шифобахш моддаларни электрофарез усулида тозалаш ҳамда оқсил препаратларнинг монокристалларини етиштириш борасидаги ишлар қилинди.

Биргаликдаги ишларнинг барча босқичларида Владимир Титов, Муса Манаров, Владимир Ляхов, Валерий Поляков ва Абдул Аҳад Моманд аҳиллик билан аниқ-пухта ҳаракат қилдилар.

Муваффақиятли тугаган Совет-Афғон космик учиши Совет Иттифоқи билан Афғонистон халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларнинг яна бир далилидир.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ИККИ МАРТА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ В. А. ЛЯХОВНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Мир» орбитал илмий тадқиқот комплексида космик учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ҳамда бунда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт-учувчиси Владимир Афанасьевич **Ляхов Октябрь Революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1988 йил 7 сентябрь.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

АФҒОНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ГРАЖДАНИ ТАДҚИҚОТЧИ-КОСМОНАВТ АБДУЛ АҲАД МОМАНДГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Мир» орбитал илмий тадқиқот комплексида космик учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ҳамда бунда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Афғонистон Республикасининг граждани тадқиқотчи-космонавт **Абдул Аҳад Моманд**га **Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ва **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1988 йил 7 сентябрь.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

АФҒОНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ГРАЖДАНИ ТАДҚИҚОТЧИ КОСМОНАВТ МУҲАММАД ДАВРОН ҒУЛОМ МАСУМНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Мир» орбитал илмий тадқиқот комплексида совет-афғон экипажни космик учишини таъминлашга оид ишларда фаол қатнашганлиги учун Афғонистон Республикасининг граждани тадқиқотчи-космонавт **Муҳаммад Даврон Ғулом Масум Халқлар Дўстлиги** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1988 йил 7 сентябрь.

Ғоявий-тарбиявий ишни қайта қуришни чуқурлаштирайлик

УЛЬЯНОВСК, 6 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети 1988 йил 13 августда «КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқишни системасини қайта қуриш тўғрисида»ги қарорини бажариш борасида Ульяновск области партия органларининг иши ҳақида» қарор қабул қилганлиги муносабати билан 5-6 сентябрь кунлари Ульяновск шаҳрида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари секретарларининг «КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ва идеология ишининг вазифалари» масаласига бағишланган кенгаши бўлди. КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлими мудирининг биринчи ўринбосари П. Я. Слезко шу мавзуда доклад қилди.

КПСС Ульяновск область комитетининг биринчи секретари Ю. Г. Самсонов меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқишини қайта қуриш борасида область партия комитетларининг иши ҳақида сўзлаб берди. КПСС Марказий Комитети бўлимлари мудирининг ўринбосарлари В. А. Михайлов билан В. К. Егоровнинг «СССРда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари» ва «Ҳозирги босқичда КПССнинг маданият соҳасидаги сиёсати муаммолари» мавзуидаги докладлари тингланди. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг ректори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Р. Г. Яновский «Ижтимоий фанлар қайта қуриш йўлида» деган мавзуда доклад қилди.

Кенгашда ғоявий-тарбиявий ишга партиявий раҳбарлик, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг бошқа энг муҳим муаммолари юзасидан тажриба баҳам кўрилди.

Яқин кунлар ичида Олмаота, Волгоград, Днепропетровск, Иркутск, Минск, Москва ва Тбилиси шаҳарларида пропагандист активларнинг зона семинарлари ўтказилади. Ана шу семинарларда меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқиши системасини қайта қуришнинг дастлабки якунлари ҳамда уни янада чуқурлаштириш, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ва КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленуми ўртага қўйган вазифаларни рўёбга чиқаришда унинг ролини ошириш амалий йўллари муҳокамадан ўтказилади.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ЮКСАК ДАРАЖАДА РИВОЖЛАНГАН ЗАМОНАВИЙ СОҲАСИНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШ ЮЗАСИДАН ЙИРИК ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЎЛЖАЛЛАНМОҚДА. ХИЗМАТ ҲАЖМИНИ КЕНГАЙТИРИШ, ТУРИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ АҲОЛИНИНГ ТУРАР ЖОЙ-КОММУНАЛ, ТРАНСПОРТ, МАИШИЙ, СОЦИАЛ-МАДАНИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ХИЛМА-ХИЛ ФОРМАЛАРИГА ЎСИБ БОРАЁТГАН ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ТЎЛАРОҚ ҚОНДИРИШГА, УЙ МЕҲНАТИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШГА, ДАМ ОЛИШ ҲАМДА БЎШ ВАҚТДАН МАЗМУНЛИ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЯХШИ ШАРОИТ ЯРАТИШГА ИМКОН БЕРАДИ.

(КПСС XXVII съезди материалларидан).

• *Советлар ва ҳаёт*

МУҲИМ ЙЎНАЛИШ

Шаҳар Совети ижроия комитетида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш масаласи муҳокама қилинаётган эди. Ижроком аъзоси, Марғилон темир йўл станцияси ишчиси В. Кирова сўз олиб:

— Мен бир нарсага ҳайронман, — деди, — шаҳар атрофида, Шоҳимардонда биздаги саноат корхоналари, ташкилот ва муассасаларнинг қатор-қатор дам олиш зоналари бор. Улар фақат дам олиш кунлари ишлайди. Бошқа кунлари эса бу шинам жойлар ҳувиллаб ётади. Айни пайтда отпускада бўлган юзлаб кишилар ёки сменасида ишлаб бўлган кишилар ҳордиқ чиқариш учун манзил излаб овора. Мана шу дам олиш масканлари дарвозаларини хоҳловчилар учун кенг очиш зарур...

Ижрокомнинг келгуси мажлисларидан бирини шу масалага бағишлашга қарор қилдик. Ўрганиш шуни кўрсатдики, «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Марғиландаги ҳисоб-кредит техникуми ва бошқа бир қанча муассасаларнинг дам олиш зоналари аксарият бўш турар экан. Дам олувчиларга тадбирларини ўтказиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш соҳасида ҳам пуллик хизматнинг роли катта бўляпти. Шу кунларда шаҳар спорт заллари, стадионларида турли касб ва ёшдаги кишиларни кўплаб учратиш мумкин. Физкультура ва спорт ташкилотлари ҳузурида ташкил этилган «Саломатлик группалари»га қатновчилар сони ортиб бормоқда. Малакали спортчи тренер ва шифокорлар бу группаларда кишиларнинг спорт машғулотлари билан шуғулланиб ўз саломатликларини мустаҳкамлашларига раҳнамолик қилишяпти. Ипак комбинати, 5-қўчма-механизациялашган колонна. «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги барча қулайликларга эга бўлган сауна-ҳаммомлар хизматидан аҳоли мамнун.

Пуллик хизмат кўрсатишни ривожлантиришда кооперативларнинг роли ҳам катта. Биз кооператив ҳаракатини ривожлантиришга катта аҳамият беряпмиз. Ўтган йили шаҳарда 15 га яқин кооператив бўлиб, унда 200 нафар киши меҳнат қиларди. Бугунги кунда кооперативлар сони 40 дан зиёд. Бу йилнинг ўзида кооперативларда 4 миллион сўмликдан ортиқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади.

1987 йилда 40 та корхона ва ташкилот аҳолига пуллик хизмат кўрсатган бўлса, бу йил уларнинг сони 80 дан ошиб кетди. Ўтган йилнинг 7 ойига нисбатан бу йил пуллик хизмат кўрсатиш 5 баробарга ортди.

Албатта бу борада ҳамма ишларимиз ҳам силлиқ кетяпти, дея олмаймиз. Муаммоларимиз ҳам анчагина бор. Маҳкамачилик, бюрократизм кўринишлари пуллик хизмат кўрсатишни янада ривожлантиришга тўғаноқ бўляпти. Бунга мисоллар кўп. Масалан, шаҳар аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишда жиддий муаммолар мавжуд. Автобус парки талаб даражасидагидан бир мунча оз. Йўловчилар кўпинча автобусларнинг ўз вақтида келмаслиги, тиқилинчдан шикоят қилишади. Айни пайтда Марғилон ипак комбинатининг 2578 ўрингa эга бўлган 38 та автобуси эрталаб ва кечқурун ишчиларни ташийди, қолган вақт эса бекор туради. Шаҳар ижроия комитети комбинат раҳбарларига ана шу автобусларни бўш пайтда шаҳар кўчаларига чиқариш; пассажирлар ташишга сафарбар қилиш вазифасини юклаган эди. Бироқ улар бу вазифани бажара олмадилар. Чунки автобуслар учун ёнилғи ва эҳтиёт қисмлар кескин чегаралаб қўйилган экан. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги бизнинг мурожаат қилишимизга қарамай, на автобусларни қўшимча ёнилғи ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлади, на уларни тегишли республика министрлиги балансига ўтказишни ҳал этди.

Шаҳар алоқа бўлими посилка ва бандеролларни маълум ҳақ эвазига эгаларига элтиб беришни ташкил этиши лозим эди. Алоқа министрлиги мутасаддилари бунинг учун транспорт воситалари ажратмади. Оқибатда минглаб инвалидлар, шароити оғир кишиларга қулайлик туғдирувчи яхши ташаббус амалга ошмай турибди.

Халқ депутатлари шаҳар Совети одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, меҳнаткашларнинг талаб эҳтиёжларини қондириш, аҳолига турли қулайликлар яратишни ўзининг биринчи галдаги вазифаси деб билади. Пуллик хизмат кўрсатишни яхшилаш мана шу соҳадаги муҳим йўналишдир.

Д. НУРМАТОВ,
Марғилон шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.





Андижон шаҳридаги 62-дорихона коллективи аҳолига хизмат кўрсатишнинг янги усулини қўлламоқда. Бу ерда кўчма аптека ташкил қилинди. Айни кунларда Қизил крест белгиси туширилган автомашинани чорвачилик фермалари, дала шийпонларида учратиш мумкин.

Суратда: фармацевтлар А. Назаров, С. Эшонова ҳамда Г. Ўринбоевалар кўчма аптека учун дори-дармонлар тайёрлашмоқда.

Пастдаги суратда: Тошкент метросининг катта машинисти Ғофур Болтаев. У хизмат вазифасини адо этишда касбдошларига ўрнак кўрсатмоқда.

Р. АШУРОВ ва А. ГОРОКРИК фотолари (ЎзТАГ).

ПАХТАКОРГА МАДАДКОР

Пахта йиғим-терими бошланди. Қишлоқ меҳнаткашлари бу муҳим кампанияни муваффақиятли ўтказиш учун фаол киришмоқдалар. Хўш, ана шу масъулиятли дамларда уларга савдо хизматн қандай ташкил этилаётир? «Совет Ўзбекистони» мухбири Ўзбекбирлашув правлениесининг раиси О. Маҳмудовдан ана шу ҳақда гапириб беришни илтимос қилди:

— Йиғим-терим олдидан жойларда бир қатор конкрет амалий тадбирлар белгиланди. Ҳозирнинг ўзида дала шийпонларида 3000 дан ортиқ сотувчисиз дўкон ва 1500 автомагазинда кўчма савдо ташкил этилган. Бевосита дала бошида кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган товарлар билан савдо қилишга эътибор кучайтирилди. Айни вақтда савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг иш режими механизаторлар ва ҳашарчиларнинг кундузги иш тартибини назарда тутиб қайта кўриб чиқилмоқда.

Маълумки, пахта йиғим-терими муносабати билан иссиқ кийимлар, пойабзал, газламаларга ҳам эҳтиёж кучаяди. Биз буни ҳисобга оляпмиз. Улгуржи савдо базаларида 180 минг пахтали камзул, 170 минг телпак, 600 минг жуфт кирза этик ва бошқа буюмлар мавсумга тайёрлаб қўйилди. Социалистик мусобақа ғолибларини рағбатлантириб бориш учун камёб моллардан 250 минг совға тайёрланди.

Пахта заводлари ҳамда пунктларида иш икки сменада ташкил этилиши муносабати билан уларнинг эҳтиёжини ҳам инобатга олганмиз. Жами 1800 га яқин озиқ-овқат, саноат моллари магазинлари ҳамда умумий овқатланиш корхоналари уларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Албатта, пахтакорларга савдо хизматини ташкил қилишда саноат корхоналарининг зарур товарларни ўз вақтида етказиб бериши муҳим аҳамиятга эга. Бироқ бу масалада айрим министрликлар, бирлашма ва корхоналарга эътирозларимиз бор. Хусусан, республика Енгил саноат ҳамда Маҳаллий саноат министрликлари, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг айрим корхоналари шартнома мажбуриятларига етарли риоя этмаётирлар. Тошкент шаҳридаги 1-пойабзал фабрикаси шу йилнинг етти ойи мобайнида келишилганига нисбатан 430 минг жуфт кирза этикини, Бухоро пойабзал фабрикаси эса 25 минг жуфт кирза этикни, маҳаллий саноат корхоналари эса 69 минг пахтали камзулни кам етказиб берди. Бундай фактлар пахтакорларга савдо хизмати кўрсатишга салбий таъсир этиб, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлиши мумкин.

Ўтган йилларда пахта терими кезлари қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатишда бирмунча камчиликларга йўл қўйилганлиги маълум. Ўзбекбирлашув правлениеси, область ва район матлубот жамиятлари томонидан тайёргарлик кўрилганига қарамай, жойларда товар етказиб беришда айрим узилишлар, совет савдоси қоидаларининг бузилиши ҳоллари, магазинлар ва ошхоналарда белгиланган иш режимига риоя қилмаслик каби фактлар учраган эди. Барча дала шийпонларида ҳам иссиқ овқат тайёрлаш йўлга қўйилган эди, деб бўлмайди. Аксарият ташкилотларимиз ана шу камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб олмоқдалар. Йиғим-терим кампанияси мобайнида хизматни қишлоқ аҳолисининг ўсиб бораётган талаблари даражасида ташкил этиш учун назорат ишларини кучайтирамиз.

ХОНҚА ШИФОХОНАСИ

Хонқа пахта тозалаш заводи санаторий-профилактарийси корхона ишчиларигина даволанадиган оромгоҳ бўлиб қолмай, унинг шуҳрати бутун воҳага таралган. Бу ерда мириқиб ҳордиқ чиқариш билан бирга асаб системаси, ошқозон-ичак касалликларидан халос бўлиш мумкин. Шифохонада даволаш ва соғломлаштириш ишлари асосан табиий манбалар, балчиқ, парафин, ванна, массаж каби муолажалар воситасида амалга оширилади.

Яқинда санаторий-профилактарийда 795 метр чуқурликдан олинаётган минерал сувнинг таркиби текширилди. Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти «Жайҳун» деб аталган бу минерал сувдан кўпгина касалликларни даволашда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб, уни амалда қўлланиш учун тавсия этди. «Жайҳун» минерал суви микроэлементларга бой бўлиб, Трускавец, Ессентуки ва бошқа Кавказ курортларининг минерал сувларидан анча кучлидир.

Дастлабки даволаш самаралари Хонқа минерал сувининг айниқса ревматизм, радикулит, шунингдек тери касалликларини даволашда таъсирчан эканлигини кўрсатди. Бош врач Отабой Бобожоновнинг таъкидича, «Жайҳун» минерал суви келгусида асосий шифобахш манба бўлиб қолади, сув ичиш галереялари барпо қилинади, ванналар кўпайтирилади. Бундан ташқари мазкур дам олиш масканида янги корпуслар қуриш, боғлар ва гулзорларни кенгайтириш, спорт ва соғломлаштириш иншоотларини бунёд қилиш кўзда тутилмоқда.

Ф. ЗОҲИДОВ.

• *Харидорларга қулайлик*

ТАЖРИБАНИ ОММАЛАШТИРИБ

Магазинда «Оналар ва болалар хонаси». Дафъатан бу ёзувга кўзи тушган киши таажжубланиши табиий. Савдо иши билан бу хонанинг қандай боғланиши бор?

Гап республикамиз пойтахтидаги Марказий универсал магазинида харидорларга яратилган қулайлик ҳақида кетяпти. Харид учун келган ота-оналар ўз кичкинтойларини дид билан безатилган, турли ўйинчоқларга тўла бу хонага қўйишиб, ўзларн бемалол савдо бўлинмаларини айланишмоқда.

Қулайликдан кўпчилик мамнун. Болалар хонасидаги мулоҳазалар дафтарида кўплаб оналарнинг дастхатлари бор. Улар орасида қўшни республикалардан келган меҳмонларнинг ҳам дил сўзларини ўқиш мумкин. Омск шаҳридан келган Исҳоқ Ўролбеков, Қарағанда шаҳридан В. Богдановалар хизматдан миннатдор эканликларини билдиришибди.

Умуман, пойтахтдаги Марказий универсал магазинида ленинградлик савдо ходимлари тажрибаси бўйича республикамизда биринчилардан бўлиб хардорларга турли хил хизмат кўрсатиш ва қулайликлар яратишга эътибор кучайтирилди. Бу ерда харидорларнинг талаб ва истакларини бажо келтирадиган бичиш-тикиш цехи ишлаб турибди. Харид қилинган молларни сақлаб туриш, боғламлаш, пойабзални ремонт қилиш каби хизматнинг ўндан ортиқ тури йўлга қўйилган.

—1988 йилнинг ўтган ойларида,—дейди магазин директори Х. Шарипов, — харидорларга ўн минг сўмликдан кўпроқ хизмат кўрсатилди. Меҳнаткашларга ҳар томонлама қулайлик яратиш учун ҳаракат қилаверамиз.

О. СУЛАЙМОНОВА.

• *Газетхон йўлланмаси билан*

ЙЎЛОВЧИНИНГ МАНЗИЛИ УЗОҚ БЎЛМАСИН

Баъзан хушнуд кайфиятда кўчага чиқишинг билан таъбинг хира бўлади. Жазирама офтобли ёки қаҳрли қиш кунлари автобус, трамвай ёки троллейбус кутиш, айниқса шошаётган бўлсангиз, устига-устак бекат соябонсиз бўлса... азобга айланади. Кир, чанг транспорт келди ҳам дейлик. Амаллаб илашиб олдингиз, бироқ, оёғингиз ерга тегмайди, йўловчиларнинг гўё жиққа терга ботирилгандай кийимлари бир-бирига ёпишиб, ғижим бўлади, тугмалар узилади... Яна ҳар хил аччиқ-чучук таъна, киноялярни айтмайсизми?

Жамоат транспортига ишимиз тушганида кўпинча шу хил манзарага дуч келамиз. Бундай нохушликни республиканинг деярли ҳар бир шаҳрида тез-тез учратишингиз мумкин. Афсуски, Тошкентдай шаҳарга ҳам бу аянчли манзара бегона эмас.

Тошкентда 171 та маршрут бўйлаб автобус қатнайди. Ҳар куни ўн мингдан зиёд автобус ва маршрутли такси ҳайдовчилари 1 миллион 300 мингга яқин йўловчини манзилига элтяптилар.

— Биз, транспортчилар ўзимизни халқнинг дастёрлари деб биламиз, тошкентликлар ва меҳмонларга хизмат кўрсатиш маданиятини ўстиришга интиляпмиз, — дейди «Главташпассавтотранс» бош бошқармаси бошлиғининг автобус хизмати бўйича ўринбосари С. Аъзамов. — Сўнгги пайтларда бу соҳада бир қатор муваффақиятларга эришдик. Илгари автобуслар етишмаслиги оқибатида эрталабки ва кечки тиғиз пайтларда йўловчиларга хизмат кўрсатишда анча қийинчиликлар бўларди. Ички имкониятларни қидириб топиб, бунга барҳам беряпмиз. Шу кунларда эрталабки соат саккизларда планимизда белгиланганидан кўпроқ автобус линияга чиқяпти. Бу шаҳарликлар иш жойларига ўз вақтида, кечикмай етиб олишларини таъминлаяпти. Ўтган ярим йилликда бултурғи йилнинг шу даврига нисбатан 162.960 та кўп рейса чиқилди. Автобус ҳаракатининг мунтазамлиги 95 процентни ташкил этди. Афсуски, 15 та маршрутда автобусларнинг бир маромда ҳаракат қилишини таъминлай олмадик. Шу сабабли йўловчиларнинг ҳақли эътирозларини эшитяпмиз. Лекин тошкентлик транспортчилар яқин вақт ичида бу камчиликка ҳам барҳам беришади.

Аҳолининг талаб ва истакларини ўрганиб боряпмиз. Масалан, йўловчиларнинг хоҳишига кўра, Дўмбробдни метронинг «Чилонзор» ва «СССР 50 йиллиги» станцияларн билан боғловчи маршрут очилди. Жараёнки «Жанубий»-темир йўл вокзали, 1-Қўйлиқ массиви, «Узминздрав»нинг клиник касалхонаси, Қалинин массиви орқали «Чилонзор» метро станцияси билан боғлайдиган автобус маршрути очилди. «Ясний» массиви ва метронинг М. Горький номли станцияси оралиғида ҳам автобуслар қатнай бошлади. Шу йили 9 та микроавтобус қатнайдиган 2 та ва 22 та автобус юрадиган 3 та янги маршрутлар очилди. ТошМИ клиникаси билан «Чилонзор» метро станциясига қатновчи 27-маршрутдаги микроавтобуслар ўрнига кўп киши сиғадиган «ПАЗ-672» маркали автобуслар қўйилди. Илгари йўловчилардан кўп шикоят ҳарда пассажир транспорти ҳаракати қандай йўлга қўйилиши керак? Мавжуд автобус, трамвай, троллейбуслар билан йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш мумкинми? Бу каби саволларга жавоб топиш учун транспорт ходимлари, йўловчилар билан суҳбатлашдик.

— Эътибор берган бўлсангиз, айрим кўчаларда ҳаддан зиёд кўп транспорт ҳаракат қилади, — дейди «Главташпассавтотранс» бош бошқармаси бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи Салоҳиддин Асомиддинов. — Масалан, 101-маршрутдаги автобуслар Тошкент трактор заводи ишлаб, чиқарган бирлашмаси ва Навоий театри оралиғида ҳаракат қилади. Заводдан метронинг М. Горький номли бекатигача 9 километр. Бу ердан Навоий театригача қадар автобус яна 7,2 километр йўл босади. Автобуслар метро бекатигача хизмат қилса бўлмасмикан? Қолган масофани метрода ҳам босиб ўтиш мумкин-ку. Бу йўлда «тежалган» машинадан автобус камчил маршрутларда фойдаланиш мумкин бўларди.

«Москва» меҳмонхонасидан «Болалар дунёси» магазинигача трамвай, троллейбус ва автобусларда келиш мумкин. Шаҳар транспорти ишини ривожлантириш ва координациялаш бошқармаси шу каби шаҳардаги параллел линияларни камайтириш ҳақида ўйлаб кўрса бўларкан.

Шаҳарда йил сайин кўплаб янги турар жой массивлари барпо этиляпти. Уларда яшовчи аҳолига транспорт хизмати кўрсатишнинг энг осон ва қулай тури бу — автобусда хизмат кўрсатишдир. Бунинг учун махсус темир йўл, электр линияси шарт эмас. Янги линияларга бошқа маршрутлардаги автобуслар олинавериши туфайли ҳам транспортда тартибсизликлар юзага келмоқда. Мавжуд транспортдан унумли фойдаланиш учун, бизнингча, юқоридаги каби бесамара маршрутларни қисқартириш керак.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР:

«Мен Чилонзорда яшайман. Ишга бориб келишда 4, 9, 11-трамвайдан фойдаланаман. Бу линиядаги трамвайлар ҳеч ҳам графикка риоя қилмайди. Улар гоҳ гуруҳ-гуруҳ бўлиб юришади, гоҳ соатлаб бекатда рангингиз сарғаяди. Айниқса, шанба ва якшанба кунлари. Масалан, 22 август куни метронинг Ҳамза станцияси ёнида соат 19.50 дан 21.30 гача бирорта ҳам на 4, на 9-трамвай ўтмади. Бундай аҳвол тез-тез бўлиб туради. У. Отабоев, ўқитувчи».

Шаҳардаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, кўплаб корхоналар бир вақтда машғулот ва иш бошлаб, бир вақтда тугаллаётганлиги ҳам транспорт ишини қийинлаштирмоқда. Ҳар куни соат 7.30 дан 9.00 гача транспортдан ярим миллионга яқин йўловчи фойдаланади. Атиги 2 соатли тиғиз пайтда 1173 та автобус ва 220 та «маршрутка» билан шунча кишига хизмат кўрсатиш қийин. Шаҳардаги ташкилотлар, муассасалар ўқув юртларининг иш бошлаш ва тугаллаш вақтларини кўриб чиқиш керакка ўхшайди.

Транспортнинг тартибли ишлашига ҳар хил «чап» ишлар халал беряпти. Янги йил арча байрамларига, пионер лагерларига болаларни ташиш, қишлоқ районларига шаҳарлик ҳашарчиларни олиб бориш учун ҳам шаҳар линияларидаги автобуслардан фойдаланилади. Ўтган йили ана шундай ишларга 31.174 та автобусдан фойдаланилган. Демак, шунча транспорт шаҳар маршрутида ишламаган, қанчадандақанча йўловчилар автобус кутиб, асабийлашган... Бундай хизматни бажаришда, айниқса шанба ва якшанба кунлари, ташкилот ҳамда муассасаларга тегишли транспортдан фойдаланиш мумкин-ку? Фақат уларни ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш зарур.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР:

«Биз Тошкент медицина институти шаҳарчасида яшовчи аҳоли автобус хизматидан норозимиз. Эрталабларн ишга етиб олиш ва қайтишда жуда машаққат чекяпмиз. «Главташпассавтотранс»га қарашли 8-автопаркнинг 10, 28, 82-маршрутлар бўйлаб қатнайдиган автобуслари графикка риоя қилишмайди. Диспетчерлик хизматн талабга жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам гоҳида автобуслар маршрутларда бир-бирларини қувлашиб тўда-тўда бўлиб юришади. Гоҳ бутунлай йўқолиб кетади... Автопарк раҳбарлари бу линия бўйлаб ҳаракат қиладиган автобусларнинг ҳайдовчиларини қачон тартибга чақиришади!

Файзулла Иброҳимов, ТошМИ анатомия кафедраси доценти».

Ўтган йилнинг апрель ойидан буён шаҳар жамоат транспортига талон билан ҳақ тўланяпти. Шу муносабат билан ҳайдовчи ва ремонтчиларнинг маошлари оширилди. Айрим эгри қўл шоферларнинг қинғир ишларига йўл беркилди. Янгилик туфайли қўшимча иш ҳақи фондлари (фақат автопарклардагина) 2,3 миллион сўмга кўпайди. Бошқа ташвишларга ҳам ташвиш қўшилди. Босмахоналарда талон тайёрлаш, уларни аҳолига сотишга кўп маблағ сарф этиляпти. Автобус бекатларини ёнига қўйилган талон сотиладиган дўкончалар архитекторларнинг фикрича, шаҳар ҳусниии бузяпти. Транспортчилар дўкончалар айнан бекатларда бўлиши керак, дейишмоқда. Лекин икки ўртадаги низога барҳам берилганича йўқ.

— Марказий шаҳарларда, жумладан Ленинградда талонларни ҳайдовчилар автобус, трамвай ёки троллейбус бекатида тўхтаган пайтда ҳам сотишади, — дейди аспирант Н. Соҳибов. — Бу йўловчиларга ҳам қулай. Чунки, шаҳримиздаги талон сотиладиган дўкончалар кечки соат саккиздан сўнг ёпиқ бўлади.

Ийл сайин баҳор ва куз ойларида ободонлаштириш Бош бошқармаси, ГАИ ва бошқа бир қатор идоралар биргаликда транспорт қатнайдиган йўллар ҳолатини текшириб чиқишади. Шунга қарамай, Саркисов, Знёмов, Студенческая, Қорасарой, Форобий сингари бир қатор кўчалар транспорт қатнови учун мос эмас, ўйдим-чуқур, ремонталаб йўллар автобусларнинг тезда ишдан чиқишига сабаб бўляпти.

Тошкент шаҳрида аҳолига пассажир транспорти хизмати кўрсатишда туб бурилиш ясаш, камчилик ва нуқсонларга зудлик билан барҳам бериш керак. Автобус ҳайдовчиларнинг яхши меҳнат қилишлари учун зарур шароитларни яратиш, ишлаб чиқариш базаларини мустаҳкамлаш орқали хизмат кўрсатиш маданияти ва савиясини кўтариш зарур. Бу эса халқнинг ўзоғини яқин қилишдай ҳайрли ишга бел боғлаган «Главташпассавтотранс», транспорт ишини ривожлантириш ва координациялаш бошқармалари коллективларининг ўзаро баҳамжиҳатликдаги меҳнатларига, сиз билан бизнинг, ҳурматли йўловчилар, транспортдан фойдаланиш қоидаларига нечоғлик риоя қилишимизга боғлиқдир.

А. НИЁЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ГАЗЕТХОНЛАР ХАТЛАРИДАН

ГИГАНТЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

Задарё районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Гигант» колхозида янги маиший хизмат уйи фойдаланишга топширилди. Бу ерда меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатиш учун барча қулайликлар мавжуд.

Т. ТОШПЎЛАТОВ.

ЯНГИ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИН

Яқинда қурилиб, ишга туширилган «Белоруссия» савдо маркази Хўжаобод шаҳри ҳуснига-ҳусн қўшди. Замонавий типда қурилган универсал магазин биносини «Узкоопстроймонтаж» трестига қарашли механизациялашган кўчма колонна бинокорлари бунёд этдилар.

Р. ЖУМАНИЁЗОВА.

• *Халқ ҳокимияти сабоқлари*

ДЕПУТАТЛАР ЎЗ ВАКОЛАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДАЛАР

Ўзбекистон ССР Олий Советидан репортаж

...Тошкентлик ҳайдовчи Эргаш Азаматов ўз ўртоқлари билан бирга автобус йўналишларини ана шундай мустаҳкамлади. У Ўзбекистон ССР Олий Совети 1989 йилги план лойиҳасини кўриб чиқиш учун тузган тайёргарлик комиссияларидаги ҳамкасблари билан биргаликда Госпланда, Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлигида шу мунозарани олиб борди.

План лойиҳасида ҳисобга олинмаган хўжалик юритишнинг янги усулларини ёқлаб, салмоқли далил келтириш лозим бўлиб қолганида депутат ижарани қўлланиш кераклигини таклиф этибгина қолмай, бундай системанинг ҳаётийлигини исботлашга шахсан ўзи киришди. Эътибор беринг: гап шахсий ютуқ ва ҳатто бригаданинг, маршрутнинг, автопарknинг муваффақияти тўғрисида бораётгани йўқ— ишчи экономиканинг бутун бир тармоғида туб ўзгартишлар қилиниши учун жон куйдирмоқда.

Нима ҳам дердик, **оддий ишчиларнинг** меҳнат унумдорлигини кўпайтириш тўғрисида, **ғалла, кўмир, темир**, умуман бутун жамиятга тегадиган бошқа маҳсулотларнинг **ҳар бир пудини** асраш тўғрисидаги фидокорона ва оғир меҳнатни енгадиган ғамхўрлик, — совет ҳокимиятининг тонготарида Владимир Ильич айтган ғамхўрлик худди мана шунинг ўзидир. Эндиликда пудлар билан эмас, миллион-миллион тонналар билан ҳисобкитоб юритилади — биз бадавлатроқ бўлиб қолдик. Аммо моҳият ўзгаргани йўқ: ҳар биримизнинг умумхалқ бойлигини кўпайтириш тўғрисидаги ғамхўрлигимиз — коммунизм дебочасидир.

Давлат бошқарувига меҳнатчи, бунёдкор келганлиги —совет ҳокимиятининг буюк ютуқларидан биридир. Ҳайдовчи Эргаш Алимович Азаматов Олий Совет транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа доимий комиссиясининг секретари этиб сайланган. Кўриб турганимиздек ташаббускорлик, ишбилармонлик, билим доирасининг кенглиги бу давлат арбобига хос хусусиятлардир.

Бунда шу нарсани таъкидлаш керакки, Эргаш Азаматов ва унинг ўртоқлари фақат шахсий меҳнат шавкатинигина кўрсатиб қолишгани йўқ. Авваллари халқ депутатининг роли кўпинча мана шунга қаратилар эди. Илгари кўпинча депутатлар ўрнак кўрсатишар, ўз иш жойида ташаббускор бўлиши, аммо нимани таклиф этишса «ҳамма билан бирга» овоз бериши лозим эди. Лекин ҳамиша ҳам энг яхши вариант таклиф этилармиди? Бундай бўлиши мумкин эмасди. Миллионларнинг ижодкорлигига мурожаат этиш тўғрисидаги Ленин васияти бизнинг сиёсий, иқтисодий ва меҳнат турмушимиздан ғойиб бўла бошлаганлиги учун ҳам бундай бўлиши мумкин эмас эди. Унинг ўрнига «юқоридагилар»нинг фикри устун чиқарди.

«Юқоридан» берилган баъзи таклифларнинг муаллифлари депутатлар билан учрашувда ўзларини жуда ноқулай сездилар... Улар мунозара нақадар чуқур ва қизғин тус олишини оз бўлсада барвақт тасаввур қилишганида план лойиҳаси ўзгача бўлишига ишончим комил.

Фарғоналик болалар врачи Валентина Васильевна Гратовскаянинг бир ўзигина саволлари, справкалари, таъналари билан Соғлиқни сақлаш ва Савдо министрликларининг, «Ўзбекбирлашув» Агросаноат комитетининг, қурувчилар, лойиҳачиларнинг катта-катта камчиликларини очиб ташлади. Ҳамма ишлардан жуда яхши хабардор бўлган давлат арбобининг эътирозларига қарши фикр билдиришнинг ҳожати йўқ эди: 405-округдан сайланган депутат Олий Советнинг хотин-қизлар меҳнати ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссиясининг секретаридир. Бу ўринда Валентина Васильевна айтган гапларнинг амалий жиҳатларини ҳам қайд этиб ўтиш керак — унинг ўзи мўътабар идораларга кўпгина муаммоларнинг моҳиятини чуқурроқ билиб олишда, уларни ҳал этиш учун ўз масъулиятини англаб етишда, ишларни яхшилашнинг конкрет йўлларини белгилаб олишда ёрдам берди.

Масалан, доктор Гратовская тайёргарлик комиссиясининг мажлисида Фарғона ва республиканинг бошқа регионларида болалар учун сутли таомлар тайёрланадиган ошхоналарнинг аҳволини бир неча марта тилга олди. Уни бошқа депутатлар қўллаб-қувватладилар. Ўзбекистон Давлат агросаноат комитетига 28 та шундай ошхона қуриш топширилган бўлишига қарамай, келгуси йилда атиги 3 тасини қуриш планлаштирилган. Эҳтимол, бунинг учун пул йўқдир. Агросаноат комитетининг раиси пул бор, деб ишонтирди. Ундай бўлса гап нимада? Замонавий лойиҳалар йўқ. Ҳатто планга киритилган ошхоналарнинг лойиҳаси ҳам пойдевор қўйилгунгача эскириб қолди — улардан кўп наф тегмайди.

Нотиқ буларнинг ҳаммасини тушунтириб, совуққонлик билан (кўпгина сўзларни, мен айбдор эмасман, дегандек) «жавобгарлик эстафетаси»ни лойиҳачиларга ўтказиб юборди. Шу пайт лойиҳачилар ҳам технология йўқ, деб ўзларининг важ-карсонини келтиришди. Улар бошқаларни, бошқалар эса яна бошқаларни айблайверди... Бундай хунук «эстафетани» тўхтатишга, масъулиятни шериклар зиммасига юклаш ҳеч кимни жавобгарликдан соқит қилмаслигини эслатиб қўйишга тўғри келди: ахир гўдакларнинг нормал овқатланиши, сиҳат-саломатлиги кўп даражада сут таомлари ошхонасига боғлиқ-ку.

Мана энди Агросаноат комитети, Соғлиқни сақлаш министрлиги, лойиҳачилар муаммони ҳал этиш йўлларини биргаликда изламоқдалар. Йўл-йўлакай (ҳозирча тахмин сифатида) «парламентлараро алоқалар»нинг янги формаси юзага келади. Эҳтимол Ўзбекистон ССР Олий Совети Қозоғистон ССР Олий Советига мурожаат этиб, Олмаотада жойлашган ихтисослаштирилган институтнинг лойиҳани ишлаб чиқишда кўмак беришини илтимос қилишни лозим топар. Депутатлар депутатларнинг илтимосини ерда қолдирмасалар керак. Шундай алоқалар ривожланиб кетгандан кейин хайрли иш болалар ошхонасидан бошланганлигини эслаб ўтилса ҳам чакки бўлмайди...

Лекин яна ўша ошхоналар тўғрисидаги гапни давом эттирайлик: бу ҳақдаги гапларни бошқа кўпгина нарсаларни ҳам очиб ташлашга ёрдам берди. Чунончи, депутатлар Агросаноат комитетининг қолган барча соғлиқни сақлаш объектларига доир план муваффақиятли бажарилди, деган ғолибона маълумотномасини тинглаб бўлгач: хўш, ана шу муваффақиятларнинг ҳажми қандай экан? — деб дарҳол савол беришди. Буни қарангки, Агросаноат комитети 1 миллиард сўмдан ошадиган жуда катта капитал маблағдан «Саломатлик» программасига 0,07 процент сарфлаётган экан... Агросаноат комитети ўзи учун мана шундай «марра»ни белгилади ва ўзўзидан равшанки, унга ҳеч қандай қийинчиликсиз эришди. Депутатлар «маррани» юқорироқ кўтариш керак, деган фикрни билдиришди. Конкрет қандай даражага кўтариш кераклигини тайёргарлик комиссиялари анализ қилишни давом эттирмоқдалар. Бунда улар ишининг яна бир хусусиятига эътиборни жалб қилиш керак. Шу пайтгача энг муҳими — имкониятларни аниқлаш ва уларни ишга солиш деб ҳисоблаб келинарди. Аммо бизда ўз эҳтиёжларимизни ҳам ҳамиша билавермас эканмиз. Бир қанча область, шаҳар, район Советлари, аниқроғи эса уларнинг ижроия комитетлари бирон нарсани талаб қилиш пайтида, айниқса, улар марказий идораларнинг «саховати»га қарам бўлиб қолганларида журъатсизлик қилаётганликлари маълум бўлиб қолди. «Саломатлик» программасини рўёбга чиқаришда ҳам шундай бўлмоқда. Келгусидаги план буюртмасига баъзида ҳозирнинг ўзидаёқ талаб этилаётганига қараганда касалхона ўринлари, поликлиникаларда беморларни қабул қилиш, парҳез таомлар камроқ киритилади.

Бундай «камтарлик»нинг сабаблари нимада? Бунинг бир қанча жавоблари бор. Биринчидан, ижроия комитетлар ҳамиша ҳам ўз регионларидаги вазиятни билаверишмайди. Иккинчидан, баъзи бюрократнинг камайтирилган плани бажариши осонроқ — акс ҳолда ишлашига тўғри келади! «Учинчидан»и ҳам бор, албатта: ҳатто план камайтирилган тақдирда ҳам бюрократ ўз имтиёзларидан маҳрум бўлмайди, амалдорнинг «камтарлиги» учун унинг юртдошлари азият чекади. Чунончи, кўп болали оилаларга ёрдам ва гўдакларга бепул овқат учун давлат субсидияларидан, болалар, инвалидлар, пенсионерларни... дори-дармон билан таъминлашдаги имтиёзлардан ҳамма жойда ҳам тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ.

Олий Совет Президиумининг ташаббуси билан бошланган ишнинг дастлабки якунлариёқ жуда ибратлидир. Бу якунларни уч группага ажратиш мумкин деса бўлади.

Биринчи группа — 1989 йилги давлат плани лойиҳаси билан бевосита боғланган. Бунда ҳали кўп нарсани пухта ўйлаш, таққослаш, муҳокама қилиш керак бўлсада, аммо ҳозирдаёқ депутатлар белгилаган янги марралар яққол кўриниб турибди. Бир қанча характерли баҳо ва таклифларни келтирамиз.

Ўзбекистон саноатида меҳнат унумдорлигининг йиллик ўсиши план лойиҳасига кўра 3,5 процент бўлиши керак, аммо беш йиллик планда кўзда тутилган даражага чиқиб олиш учун бу кўрсаткич 4,4 процентни ташкил этиши лозим. Унга нима халақит беряпти?

Депутатлар саноатнинг амалда барча тармоқларида вужудга келган вазиятни таҳлил этиб, машина-ускуналарнинг бекор туриб қолиши, техниканинг секинлик билан янгиланиши, меҳнатни механизациялаш занфлиги билан боғлиқ ресурсларни топдилар. Ишчи ва хизматчилар асосий фаолиятдан чалғитилаётгани муносабати билан ҳам талайгина иш вақти зое кетаётганлиги аниқланди. Аммо бундай сабабларни аниқлаш — ишнинг ярми, холос. Қолаверса, корхоналарнинг раҳбарлари, министрлар учун бу янгилик эмас.

Мана шу ерда энг муҳими бошланади, деса бўлади: конкрет хатоларни назардан қочирмай, таркиб топган практикага баҳо беришга, фан-техника тараққиёти ресурсларига, меҳнатни замонавий ташкил этишга нисбатан эскириб қолган ёндашувларни ҳам очиб ташлаш керак. Ана шунда, масалан, республикадаги бир қанча ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари умумиттифоқ ҳамда республика фан-техника программаларига доир ишларда ўз улушини бажармаётгани, ихтирочилар ва рационализаторларнинг ижодкорлигига етарлича таянилмаётгани, экологияга оид кўпгина муаммолар Госплан ва бир қанча идораларнинг эътиборидан четда қолгани ойдинлашади... Мана шундай ҳар бир нуқсон — унумдорликни ўстиришга путур етказиш демакдир. Хулоса «мана-ман» деб турибди, уни ҳеч ким инкор ҳам қилмаяпти, план лойиҳасига тузатишлар киритилади.

Масалан, цемент саноати қувватларидан фойдаланишда таклиф этилаётган кўрсаткич аввалги, камайтирилган даражасида қолиши амри-маҳол. Полиметалл рудалар таркибидаги ҳамма моддалардан, ёқилғи конларидан тўла-тўкис фойдаланиш имкониятларини қайтадан кўриб чиқиш, иссиқлик станцияларида кўмир билан газнинг энг мақбул нисбатини белгилаш, оғир саноат корхоналарида халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни икки баравар, ҳатто уч баравар ошириш керак.

Аммо бошқа нарса ҳам аниқланмоқда: масалан, ўзи кўп хатоларга йўл қўйган Енгил саноат министрлиги объектив сабаблардан ҳам нолимоқда. Чунончи, у аввалига баҳорги ярмаркаларнинг якунларига кўра, ўз планларини тузиб олиб, шундан кейингина хом ашёни қўлга киритишига тўғри келмоқда. Кўпинча эса тикувчилар ёки пойабзалчилар сифатли хом ашёсиз қолиб, шартнома бузилганлиги учун савдога жарима тўламоқдалар. Бундан эса истеъмолчи энг кўп зиён кўради. Бунда депутатлар Енгил саноат министрлигига нисбатан талабларни камайтирмай, шу тармоққа ҳозирги таъминот тартибини такомиллаштиришда, улгуржи савдога ўтишни жадаллаштиришда ёрдам беришга ҳаракат қиладилар.

Ҳам талабчанлик, ҳам мадад — чинакам амалий муҳокаманинг белгиларидир. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларининг раҳбарлари анчагина ҳаққоний таъналарни эшитишларига тўғри келди, аммо уларнинг илтимослари ҳам эътиборга олинди — биринчи навбатда машинасозларга қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришнинг пухта ўйланган концепцияси берилиши керак. Ўшанда техника ишлаб чиқариш ва янгилашни аниқ планлаштириш, чорвачиликни, озуқа ишлаб чиқаришни, боғдорчиликни, қўл меҳнати даражаси юқори бўлган бошқа тармоқларни интенсивлашда реал ёрдам бериш мумкин бўлади.

Агросаноат комплексини ривожлантириш плани лойиҳасини муҳокама қилган тайёргарлик комиссиясида ҳам шу ҳақда гап борди. Чунончи, депутатлар қишлоқ хўжалик экинзорлари ҳар гектарининг ресурсларини янгидан қайта кўриб чиқишни тавсия этмоқдалар, кўриб чиққанда ҳам жамики позицияларни қайта кўриб чиқиш керак. Тупроқ-иқлим хусусиятларини, деҳқончилик системасини, техника қуролларини, табиатни муҳофаза қилиш чоратадбирларини, ҳар бир хўжаликнинг иқтисодий аҳволини эътиборга олиш лозим. Ана шунда қандай ерни пахтазор ёки ғаллазорга, боғ ёки ёнғоқзорга айлантириш равшан бўлиб қолади. Бундай «гектар аттестацияси» ернинг соғломлигини мустаҳкамлайди, унга зўр бериб меҳнат қилишга ёрдам беради.

Депутатлар навбатдаги муаммони ҳал этиб бўлгач, орттирилган тажрибани қўлланиш соҳасини кенгайтиришга, айрим бир қарордан методика сари қадам қўйишга интилганликлари характерли хусусият бўлди. Депутатлар мазкур учрашуви якунларининг **иккинчи группаси** мана шундадир.

Конкрет вазифага нисбатан муваффақиятли, новаторларча ёндашув кўпинча бир қарашда экономика ёки маданиятнинг бир-бирига ўхшамаган соҳасида давом этиб, депутатлар Э. А. Азаматовнинг ижара тўғрисида бошлаб берган гапи хусусида фикрлашиб олишгач, қайта қуриш туфайли юзага келган ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги формаларига яна бир бор қайтдилар ҳамда Госпланнинг эътиборини шунга жалб этдиларки, унинг лойиҳасида айрим корхоналарни ижарага олиш, оилавий ва коллектив пудратнинг, товарлар ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатишга ихтисослашаётган кооперативларнинг имкониятлари ниҳоятда кам эътиборга олинган.

Сўнгра эса халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳақида, Ўзбекистон маҳсулотини чет элга кўплаб сотиш, валюта олиш тўғрисида гап кетди. Буларнинг ҳаммаси экономика, фан, маданият, маиший хизматнинг турли бўлимларидадир.

Депутатлар ҳеч кечиктириб бўлмайдиган конкрет муаммоларни ҳал этиш билан бир вақтда халқ хўжалиги олдида пайдо бўлаётган энг мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш методикасини ишлаб чиқдилар, ижод машаққатини ҳис этдилар, деб айтиш мумкин.

Бу иш тайёргарлик комиссияларининг қатнашчиларини заводларга, министрликларга, институтларга — хуллас, қаерга бошламасин, ҳамма жойда депутатларнинг уларга сайловчилар ишониб топширган иш учун масъулияти ошиб бораётганлиги сезилиб турди. Масъулият эса биринчи навбатда ишларни кўпроқ, яхшироқ, тезроқ бажаришга интилиш демакдир. Депутатлар ўзларига нисбатан ҳам масъулиятни ошириб, ваколатларини кучайтирдилар, дейишимиз мумкин.

Шу ерда биз мазкур учрашувлар якунларининг **учинчи группасига** келиб қолдик.

Лойиҳани муҳокама қилиш даврида депутатлар ҳам, уларнинг суҳбатдошлари ҳам ғоят муҳим иш қилинди, деган якдил хулосага келдилар. Афсуски, эндигина шундай қилинди. Чунки қанчадан-қанча имкониятлар бой берилди-да, ахир... Ҳа, депутатларнинг фикрига қўшиламиз: шундай практикани илгари жорий этиш керак эди. Лекин шундай практика бошланганига қувонайлик. Бу эса шубҳасиз қайта қуришнинг ёрқин нишоналаридан бири, республика қонун чиқарувчи органининг XIX партия конференцияси қарорларига амалий жавобидир. Эҳтимол Ўзбекистон Олий Совети депутатларининг тажрибаси уларнинг қардош республикалардаги ҳамкасбларини бирон бир тарзда қизиқтириб қолса ажаб эмас.

Сессиялар ўртасида Олий Совет фаолиятининг қизиқарли тажрибаси тўпланди. Депутатлар аввалари ҳам доимий комиссияларга йиғилишар, айрим тадбирларга қўшилишарди, албатта. Аммо депутатларнинг шу қадар катта отряди (бир юз йигирма киши!) давлат плани лойиҳасини олдиндан кўриб чиқишдек шундай йирик ва масъулиятли ишга қўл урди.

Муҳокама жараёнида депутатнинг, доимий ҳамда тайёргарлик комиссияларининг роли хусусида бир қанча мароқли мулоҳазалар юзага келди. Эҳтимол, бу ишга сессиягача икки-уч ой қолганда эмас, балки яна ҳам эртароқ киришиш керакдир. Ўшанда баҳо бериш ва таклифлар киритишгина эмас, шу билан бирга планларни тузишнинг ҳозирги тартиби ва муддатларига боғлиқ бўлган ҳар бир конкрет тадбирни бажаришга улгуриш ҳам мумкин бўлар эди.

Дарвоқе, шундай фикр ҳам билдирилди: агар депутатлар комиссиялари ва идоралар бўлажак планнинг барча кўрсаткичлари хусусида бирон бир сабабга кўра битимга келишга улгура олмаган тақдирда сессияни ўтказиш муддатлари тўғрисида ўйлаб кўриш мумкин — ҳамма нарсани олдиндан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Агар келишмовчиликлар қолаверса-чи? Майли, уларни ҳам сессия ҳал қилади, сўнгги сўз сессияда айтилади. Олий Советга ҳисобот бериб турувчи барча ташкилотлар, то республика ҳукумати ҳам буни назарда тутиши керак.

Ўз-ўзидан равшанки, бундай учрашувлар Олий Совет муҳокама қилмоқчи бўлаётган бошқа муаммоларни кўриб чиқишга ҳам бағишланиши мумкин. Тармоқ комиссиялари ҳам сессиялар ўртасидаги ишнинг яна бир формаси бўлиб қолиши мумкин. Бундай комиссиялар экономика ва маданият турли соҳаларининг вакиллари бўлган депутатларни жалб этиб, жуда муҳим конкрет муаммони ҳал қиладилар.

Комиссиянинг ишида унга ёрдам берувчи илмий маслаҳатчи, экспертнинг статусини ўйлаб кўриш — яна бир амалий таклифдир. Бундай маслаҳатчиларга кўриб чиқилаётган муаммоларга тааллуқли барча материаллар билан танишиш имконияти берилади, албатта. План лойиҳаларини илмий жиҳатдан рецензиялаш, жамоатчиликнинг фикрини билиш, оммавий ахборот воситалари орқали кенг муҳокама қилиш амалда йўлга қўйилади.

Депутатларнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси П. Қ. Ҳабибуллаев, Раис ўринбосари А. П. Романовский билан учрашувда ана шу ва бошқа фикрлар, маслаҳатлар, таклифлар айтилди. Қарорларни тайёрлаш ва ишлаб чиқишда депутатларнинг роли ҳамда масъулияти оширилиши керак ва оширилади ҳам, деган асосий хулосага келинди.

Яна бир истак: Олий Совет тажрибасидан бутун депутатлар корпуси баҳраманд бўлиши керак. Ишни қишлоқ Советидан бошлаш лозим. Шундай қилгандагина турмушимизнинг бутун манзарасини кўриш, ҳар бир коллектив, ҳар бир гражданнинг ғамхўрлигини ҳис этиш, айни вақтда эса халқнинг ташаббускорлиги ва ғайрат-шижоатига кенг имконият очиб бериш мумкин.

...Лойиҳани муҳокама қилиш эса давом этмоқда. Депутатлар куз охирига мўлжалланган сессияга қайта қуриш даврига муносиб бўлган планни тайёрлашга аҳд қилдилар.

Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ шарҳловчиси.

• *Қайта қуриш ва меъморчилик*

ТАРҚОҚЛИК ЭМАС— БИРЛИК КЕРАК

ХХ Бутуниттифоқ партия конференцияси партиямизнинг, бутун совет халқининг ғоявий-сиёсий ҳаётида ниҳоятда муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон архитекторлари барча совет кишилари сингари конференция қарорларини чуқур манфаатдорлик ва зўр қониқиш билан кутиб олдилар.

Маълумки, партиянинг социал сиёсати энг аввало шаҳарсозликда рўёбга чиқади. Унинг миқдор даражаси ва сифати мана шу сиёсат реал равишда рўёбга чиқишининг белгиси ҳисобланади. Тан олиш керак, шаҳарсозлик соҳасида анчагина ишлар қилинди. Бу нарса жамият ривожланишида шаҳарлар ролининг ошиш жараёни билан боғлиқдир. Бугунги кунда республикамиз харитасида 126 та шаҳар бўлиб, уларда 8 миллион аҳоли истиқомат қилади. Бундан ташқари юзлаб замонавий қишлоқ аҳоли пунктлари бунёд этилган.

Бир қатор планлаштириш ҳужжатлари — райониарни планлаштириш схемалари, бош планлар, муайян жойларни икир-чикиригача планлаштириш лойиҳалари анчагина юқори сифатли қилиб бажарилган. Масалан, Самарқанд марказининг бош плани ва деталлаштириш лойиҳаси (унинг муаллифлари: архитекторлар — Г. Александрович, А. Якушев, Б. Маъдиев, Р. Валиев, Н. Содиқов), Фарғона марказининг бош плани ва Фарғона области районларини планлаштиришнинг схемаси (муаллифлар: архитекторлар — Н. Фокина, А. Зотов, А. Якушев), шунингдек, Андижон шаҳрининг бош плани (муаллифлар: архитекторлар — Т. Кононова, И. Зияев ва бошқалар) тўғрисида ана шундай илиқ гапларни айтиш мумкин.

Бироқ шаҳарсозлик программа сифатида фақат республикамизда эмас, балки, мамлакат миқёсида ҳам йўқдир. Жаҳондаги барча мамлакатларда мавжуд бўлган, шаҳарсозлик соҳасида иштирок этувчи томонларнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи шаҳарсозликка оид қонунлар бизда ҳатто йўлга қўйилмаган. Бунинг оқибатида шаҳарларнинг, демакки, уларда истиқомат қилувчи кишиларнинг тақдирини ҳар хил маҳкамалар ўз билганларича ҳал этмоқдалар. Бу нарса шаҳарларнинг қисқа муддатли дам олишига аталган жойларда қоидага зид равишда 100 дан ортиқ корхона, омборхона, базалар бунёд этилди. Албатта, бугунги кунда уларнинг салбий оқибатларига сабаб бўлган қонун бузилишларни турғунлик йилларига тўнкаш осонроқдир. Лекин уларнинг ҳаммаси бизнинг кўз ўнгимизда, партия ва совет органларининг қўллаб-қувватлаши ҳамда қистови билан бўлганлигини, мутахассисларнинг, шаҳар бош архитекторларининг кўр-кўрона ижозати билан, жамоатчиликнинг бутунлай иштирокисиз амалга оширилганлигини яхши биламиз-ку!

СССР архитекторларининг VIII ва Ўзбекистон архитекторларининг XII съездларида биз ана шулар ҳақида очиқ-ойдин ва атрофлича гаплашиб олдик. Айни пайтда иш усули ва услубларини ўзгартириш заруратига тўхталиб, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш йўлларини белгилаб олдик. Бунга битта мисол айтай. Биз пойтахтнинг Навоий ва Фурқат кўчаларига жойлашган савдо расталари, Горький номли театр, Халқлар дўстлиги майдонидаги кўп қаватли биноларнинг пештоқлари, анҳор соҳили иншоотлари, Тошкент, Самарқанд шаҳарлари ва бошқа жойларнинг тарихий қисмларини қайта қуриш лойиҳаларини кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилдикки, улар яхши самаралар берди. Мана, икки йилдан бери архитектура кунларини ўтказмоқдамиз. Улар доирасида аҳоли билан мулоқотлар Советининг «Архитектура ва шаҳарсозликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори олдимизга катта ишларни қўймоқда. Хусусан, зиммамизда, айниқса, оммавий уй-жой қурилиши соҳасида, шаҳарларни комплекс қуриш борасида биринчи даражали вазифалар турибди. Партия ва ҳукуматнинг ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки хусусий уй билан таъминлаш бўйича олға сурган даъвати катта ва масъулиятли вазифа эканлигини чуқур ҳис қиламиз. Бу фавқулоддалик, меъморлар ва бинокорлар куч-ғайратини тезроқ бирлаштириш ҳамда бутун имкониятларни сафарбар этишни талаб қилмоқда.

Нурсиз, хира, қўпол қурилишлар аҳолига, уларнинг кайфияти ва ишчанлик қобилиятига салбий таъсир кўрсатади. Шуни афсус билан тан олиш керакки, айнан уй-жой оммавий қурилишида архитектурадаги янги ечимлар сусткашлик билан қўлланилмоқда. Худди шу соҳада меъморларнинг ижодий потенциалидан ёмон фойдаланилмоқда. Очиғини айтиш керак, бизнинг иқлимий, маиший ва регионнинг демографик хусусиятларига жавоб берувчи яхши лойиҳалар йўқ. Қурилишни индустриаллаштиришни тор маънода стандартлаштириш ва типиклаштириш деб бир томонлама тушуниш архитектурага соя солмоқда. Бу билан меъморчиликнинг ғоявий-бадиий савиясига соя солинмоқда. Тўғри, бор бўлган меъморий ечимлар ҳам мавжуд завод ишлаб чиқаришидаги конструкциялар ва деталлар билан узвий боғлана олмайди ва бинокорлик индустрияси талабларига жавоб бермаяпти.

Ўзбекистон Архитекторлар союзи Тошкент шаҳрининг архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси билан ҳамкорликда пойтахтда уй-жой қурилишини пишиқпухта олиб боришнинг энг яхши лойиҳавий, таклифлари учун конкурс эълон қилди. «Ташгипрогор» институтида якка тартибдаги уй-жой қурилиши лойиҳаларини ишлаб чиқиш ниҳоясига етди. Бунда аҳоли дидига ёққан лойиҳани танлаб олиши мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон жуда қадимий маданиятга, юксак меъморчилик анъаналарига эга республикадир. Қадимий Афросиёб шаҳарчаси, Хоразмдаги Тупроққалъа, Тошкент ва Тошкент областидаги Мингўрик ва Конка каби жуда кўплаб маданият ёдгорликлари, Регистон, Шоҳизинда, Гўриамир каби Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабздаги ажойиб меъморчилик ёдгорликлари ва бутун бошли ансамбллар шундан далолатдир.

Ўзбекистон халқларининг бой меъморий меросидан фойдаланишда ҳам жиддий нуқсонлар мавжуд. Кўпгина шаҳарларнинг тарихан таркиб топган қисмлари ёмон аҳволда сақланмоқда. Тарихий, маданий ва меъморий ёдгорликлар халқимизнинг бебаҳо мулкидирки, уларни асраш ва авайлашга ҳамиша ҳам етарли даражада эътибор берилмаяпти.

Ушбу ёдгорликлар атрофидаги уй-жойларни сақлаш муаммоси ҳам кўнгилдагидек ҳал этилаётгани йўқ. Оқибатда уларнинг дастлабки кўринишдаги кўлами ва ўзига хослиги йўқолиб боряпти. Бизнинг фикримизча, тарихий шаҳарлар ва уларнинг марказларини реконструкция қилишдаги жиддий нуқсонлар сабабларидан бири шуки, мамлакатимиздаги архитектурани бошқариш ва жойлардаги архитектурани бошқариш системалари структураси такомиллаштирилмаган. Шунинг натижасида, мамлакатимизда уларни бир маромда ривожлантиришни таъминловчи бирбирига боғлиқ ягона система қарор топмай келди. Масалан, ёдгорликларни муҳофаза қилиш, улардан фойдаланишни бошқариш ҳамда давлат назорати вазифаси Маданият министрлиги зиммасига, шаҳарларни, шу жумладан, уларнинг тарихий қисмини реконструкциялаш Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети ҳузуридаги институтлар ва шаҳарларнинг бош архитекторларига юклатилган. Хўш, шаҳарларни ёдгорликлардан, аксинча ёдгорликларни шаҳарлардан ажратиш мумкинми? Бошқа бир мисолни — Тошкентнинг тарихий зонасини реконструкциялашни олайлик. Етмишинчи йилларда ёқ, «ТашЗНИИЭП» (бу институт, «Гражданстрой»га, ҳозирги «Госкомархитектура»га бўйсунади)да Тошкентнинг тарихий зоналари учун тажриба тариқасида «маҳалла» лойиҳаси ишлаб чиқилди. У билан бир пайтда архитектура-планлаштириш Бош бошқармасига қарашли «Ташгипрогор» ва «ТашНИИПИгенплан» институтлари ҳам шаҳарнинг ана шу зонасини реконструкциялаш лойиҳасини тайёрладилар. Айни пайтда Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг «УзНИИПИреставрация» институти ҳам шундай ишланмани охирига етказди. Бошқача айтганда, турли маҳкамаларда давлатнинг 100 минглаб сўм маблағи сарфланди. Аммо узил-кесил лойиҳадан ҳали дарак йўқ. Умуман, уй-жой биноларининг сифатли лойиҳаси ишланмади.

Қадимий шаҳарлар тарихий ёдгорликлари тақдирини бошқаришнинг ягона системасини вужудга келтиришни мақсадга мувофиқ ва зарур деб ҳисоблаймиз. Улар Ўзбекистон ССР Архитектура давлат комитетига бўйсунгани маъқул. Чунки, шаҳарларни ёдгорликлардан, эски иншоотларни янгиларидан ажратиш мумкин эмас, уларни мувофиқлаштириш комплекс тарзда ҳал этилиши лозим.

Архитектор кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам катта қайта қуриш ишларини бажариш керак. Шаҳарсозлик ва меъморчилик соҳасидаги кўпгина нуқсонларимиз кадрлар тайёрлашга боғлиқ бўлиб қоляпти. Афсуски, кейинги йилларда олий ўқув юртларининг архитектура факультетларига студентлар қабул қилиш икки-уч марта қисқарди. Ўзбекистонда ландшафтчи архитекторлар, дизайнерлар, саноат қурилиши бўйича меъморлар тайёрлаш умуман йўлга қўйилмаган. Таъмирловчи архитекторлар бармоқ билан санарли. Мактабларда бўлажак кадрлар тайёрланмайди, расм ва чизмачилик дарслари ёмон ўқитилмоқда. Архитектура йўналишидаги махсус мактаблар ва синфлар йўқ.

Ижодий союзлар, Ўзбекистон ССР Халқ таълими давлат комитети, Маданият министрлиги ва республика Фанлар академияси ўз куч-ғайратларини бирлаштириб, ўқувчиларни эстетик руҳда тарбиялашнинг комплекс программасини ишлаб чиқишлари, Тошкент политехника институтининг архитектура факультети ва Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти ҳузурида махсус мактаблар ёки синфлар очишлари, Ўзбекистон Архитекторлар союзи ва унинг областлардаги бўлимлари қошида ўқувчиларнинг архитектура халқ университетлари шохобчаларини кенгайтиришлари мақсадга мувофиқдир.

Архитекторлар янги истиқболни кўзламоқдалар. Бугунги кунда қурилган иншоотлар келажак авлодга хизмат қилиши керак. Шаҳарларимиз ва қишлоқларимизнинг бугун яратилаётган қиёфаси ўзбек меъморларининг юксак профессионал маданиятидан, инсонпарварлиги ва демократизмидан далолат бериши зарур. Архитекторлар биринчи навбатда қурилишда фан-техника байроқдорлари бўлишлари, архитектура ва шаҳарсозликнинг, архитектура фанининг мураккаб ижодий жараёнига билиб-билмай аралашишларнинг ҳар қандай кўринишларига қарши қатъий гражданлик позицияларини эгаллашлари даркор.

Т. ҚОДИРОВА,
Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениеси-нинг раиси.



Қашқадарё области марказидаги маданият уйи қошида керамика цехи очилди. Бу ерда бинолар, кўчалар ва паркларни безаш учун турли буюмлар тайёрланади.

Суратда: уста Ботир Йўлдошев болалар боғчаси буюртмасини бажармоқда.

Ш. ШАРОПОВ фотоси (ЎзТАГ).

• Дилдан суҳбат

ФАХР ТУЙҒУСИ

Республикамиз маорифининг қалдирғочларидан бири Аъзамхон Рустамов ўқитувчилик фаолиятини бошлаган 1918 йилда шароит ниҳоятда оғир, саводсизликни тугатиш, маданий революцияни амалга ошириш учун кураш авж олган палла эди. Шу йил Тошкентдаги Кўкалдош мадрасасида қисқа муддатли бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш курслари ташкил этилди. Бу курснинг дастлабки битирувчилари орасида эндигина ўн олти баҳорни кўрган Аъзамхон Рустамов ҳам бор эди. У Эгарчи маҳалласидаги диний мактабни янги Шўро мактабига айлантириш учун «қизил муаллим» бўлиб боради.

— Аъзамхон ота, Педагогика жамияти пенсионер ўқитувчилар секциясининг раиси сифатида республикамизда мактаб ислоҳотини амалга ошириш оқсаётганлигининг сабаби нимада деб биласиз?

— Партия ва ҳукуматимиз халқ маорифини ривожлантириш, маориф ходимларининг яхши яшаши, ишлаши учун шароит яратишга алоҳида эътибор беряпти. Бироқ республикамизда мактаб ислоҳоти суст амалга оширилмоқда. Кўпгина мактабларда шароит йўқлигидан ўқувчилар икки сменада ўқитилмоқда. Олти ёшлиларни ўқитиш учун эса жой етишмайди. Ваҳолонки, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида таъкидланганидек, совет кишиларининг янги авлоди онгли меҳнат ва сиёсий ҳаётга қадам қўяётганида юксак ғоявийликка ва ахлоққа, ўз касби соҳасида яхши билимларга ва кенг маданий фикр доирасига эга бўлишлари, мамлакат тақдири учун масъулиятни ўз зиммаларига олишларига тайёр бўлишлари учун ҳамма шароитларни яратиш лозим. Мактаб ислоҳотини амалға оширишда асосий фигура бўлган ўқитувчиларда ташаббускорлик, жонкуярлик ва янгиликка интилиш сезилмайди. Биз ўқитувчилик қилган кезлар ўзбек тилида на бирор дарслик, на бир аниқ программа, на бир методик қўлланма бор эди. Шунга қарамай билим беришнинг турли усулларини излардик. Бир нарсани сира унутмаслик керак: дарс ижодий жараён бўлганлиги учун ўқитувчидан доимо ҳаракатда бўлишни талаб қилади. Республикада мактаб ислоҳотини муваффақиятли амалга ошириш учун эса ҳамма биргаликда ишлаши лозим, деб ўйлайман.

— Ҳақ гапни айтдингиз. Сиз бошчилик қилаётган пенсионер ўқитувчиларнинг олиб бораётган ишлари, улар олдида турган муаммолар тўғрисида гапириб берсангиз?

— Биз Тошкент шаҳри ва ундан ташқарида анчагина ишларни олиб бордик. Кўпгина мактаб педагогика коллективлари ва ўқувчилар билан қизиқарли учрашувлар бўлди. Шаҳримизнинг қатор маҳаллаларида бола тарбиясида мактаб, оила ва жамоат ташкилотларининг роли тўғрисида суҳбатлар ўтказдик. Шунга қарамай пенсионер ўқитувчилар кенгаши олдида ҳали кўпгина ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар турибди. Назаримизда бундай кенгашларни республикамизнинг барча область ва районларида тузиш зарур. Пенсионер ўқитувчилар кенгашларининг жамоатчилик асосида ҳар бир область ва районларда ташкил қилиниши. уларнинг актив иш олиб бориши республикамизда мактаб ислоҳотининг амалга ошишига катта ёрдам берган бўларди.

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ҳамиша халқ маорифи системасининг асосий вазифаси бўлиб келган. Шу боис КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленумида уқтирилганидек, Ўрта ва олий мактаб ислоҳотини ҳамма жойда охирига етказишга мажбурмиз. Сусткашликка, чалакам-чатти чоралар кўрилишга ва дудмалликларга йўл қўйиб бўлмайди. Бу борада мактабдан ташқари матбуот, радио ва телевидение орқали олиб бориладиган ташвиқот ишлари ҳам муҳим ўрин тутади, деб ўйлайман.

— Маълумки, ҳозирги кунда рус тили СССРда миллатлараро алоқа тили бўлиб қолди. Уни чуқур ўзлаштирмасдан туриб, бирон соҳада олға силжиб бўлмайди. Айни чоғда вақтли матбуотда она тилини чуқур ўрганиш, уни ривожлантириш тўғрисида баҳслар боряпти. Шу масалага сизнинг муносабатингиз қандай?

—Рус тили жаҳон фани ва маданиятига очилган эшик. У мамлакатимизда ўзаро миллатлараро алоқа тили. Педагогик фаолиятимизни бошлаган давримиздаёқ рус тилини ўрганишга катта эҳтиёж сезганмиз. Лекин бу она тилини ўрганишга халақит бермаслиги лозим. Навоийдай алломанинг «Тилга эътибор — элга эътибор» деган сўзлари бежиз айтилмаган. Она тили қанча чуқур ўрганилса, у бошқа тилларни ўрганишни ҳам, фан асосларини ўзлаштиришни ҳам шунчалик осонлаштиради.

Суҳбатни жамоатчи мухбирларимиз Х. ЗУФАРОВ ва Э. БОЗОРОВлар ёзиб олишди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
1988—1989 ўқув йили учун
КЕЧКИ ВА КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМЛАРИГА**

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотга эга бўлган халқ хўжалиги барча тармоқларининг ишчилари, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафидан бўшатилган ёшлар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун тегишли иш жойидан, колхозлардан, ҳарбий қисмлардан махсус йўлланма бўлиши керак.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар тегишли корхоналарда камида 2 йиллик узлуксиз иш стажига эга бўлишлари керак (шогирдлик стажи бунга кирмайди).

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: институт ректори номига ариза (махсус бланк тўлдирилади), иш жойидан ёки ҳарбий қисмдан тайёрлов бўлимига кириш учун махсус йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан корхона раҳбари, партия ва жамоат ташкилотлари томонидан тасдиқланган характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, медицина справкаси (086/У форма), 8 дона фотосурат (3х4 см.).

Паспорт ва ҳарбий ҳужжатлар шахсан кўрсатилади.

Тайёрлов бўлими тингловчилари сафига қабул қилиш учун математика ва физикадан суҳбат ўтказилади. Архитектура факультетига кирувчилар чизмачилик ва математикадан суҳбатдан ўтказиладилар.

КЕЧКИ БЎЛИМГА ҲУЖЖАТЛАР 25 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Суҳбат ва тингловчилар сафига қабул қилиш 26 сентябрдан 1 октябргача ўтказилади.

Кечки бўлимда ўқиш 1 октябрдан бошланади.

Ўқиш муддати — 10 ой.

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҲУЖЖАТЛАР 1 ОКТЯБРДАН 25 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар билан суҳбат 25—30 ноябрь кунлари ўтказилади.

Ўқиш муддати — 8 ой.

Кундузги бўлим тингловчиларига стипендия тўланади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Тайёрлов бўлимини тугатган ва битирув имтиҳонларини муваффақиятли топширганлар институтнинг кундузги ёки кечки бўлимларига қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилинадилар: саноат ва граждан қурилиши, коммунал хўжалиги, қурилиш экономикаси ва уни ташкил этиш, иссиқлик газ-таъминоти ва вентиляция, сув таъминоти ва вентиляция, архитектура.

Мурожаат учун адрес: Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70-уй (7, 50-автобуслар; 19, 55-маршрутли таксиларнинг «Самарқанд архитектура-қурилиш институти» бекати). Телефонлар; 7-06-23, 7-06-69.

• Бир хат изидан

КИМ ҲАҚ-У, КИМ НОҲАҚ?

ёки изоҳ талаб қилмайдиган савол

Шикоят: Мен 1973 йилдан бери институтда ишлайман. 1982 йили кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилдим. Шу даврда бирор марта ҳам жазо олганим йўқ. Ҳозир гарчи ишламасам-да, партия группаси ташкилотчисиман. Коммунистлар менга ишонишганди. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтидаги баъзи «ишбилармонлар» эса мени демократия қурбонига айлантиришди...

Ҳужжат: Наби Ҳамроевга характеристика. Н. Ҳамроев 1973—1977 йилларда философия ва илмий коммунизм кафедрасида ишлади. 1979 йилдан буён физика кафедрасида ўқитувчилик қиляпти. Иш жараёнида лекция ўқиш билан бирга лаборатория тажрибалари ҳам ўтказган. Кафедра аъзоларининг фикрича, у физика фани методикаси бўйича ўқув машғулотларини такомиллаштириш юзасидан етарли даражада шуғулланмайди. Тадқиқот ишлари суст. Беш йилда бор-йўғи битта материал чоп этган, тавсиялар ва методик қўлланмалар тайёрламаган. 1986-1987 йилларда партгрупорг этиб сайланган. Лекин у коммунистлар ва коллектив куч-ғайратини ўқув-тарбия ишларини яхшилашга, ахлоқий-психологик муҳитни соғломлаштиришга йўналтира олмади...

Луқма: Институт ректори Д. Абдукаримов, партком секретари И. Голубкин, касаба союз комитети раиси М. Бобоевалар имзо чеккан бу характеристиканинг ўзига хослиги, музейбоплиги учун алоҳида сақлаб қўймоқ керак. Ахир, бошдан-охиригача камчилиги санаб ўтилган характеристика ноёб «топилдиқ-да». Бу институт раҳбарларининг қайта қуриш йўлидаги «кашфиётлари» эмасмикан? Характеристика бировларнинг фикрларига асосланиб ёзилган, кейин даъвогарлар чиқиб қолмайдими, деб сўрашингиз мумкин. Шу пайтгача «тадқиқот»лар фақат имзога қараб баҳоланиб келганини ҳисобга олсак, даъвогар чиқмаса керак.

Шикоят: Қайта қуриш йўлига тушиб, ошкораликни ёқлаб, йиғилишларда кафедра мудири Н. Жўраевнинг бир-икки марта пўстагини қоқдиму, «чанги»да қолдим. У жуда қўпол, одамларни ҳақорат қилади, керак бўлса уради ҳам. Истаган одамини таъқиб қилиши мумкин...

Ҳужжат: Шикоятда «Н. Жўраев А. Умрзоқовни ҳақоратлади» дейилади. У мени ҳақорат қилган эмас. Ҳар доим ҳазиллашиб юрганлиги учун, мен унинг гапларини ҳазил деб тушунаман.

Ҳужжат: Наби Ҳамроев хатида «Нурилла Жўраев бир неча йил олдин институт қабул комиссиясининг масъул секретари Фрунзе Жўраев устига машина билан бостириб борган» деган. Бу фикр асоссиз эканлиги ҳақида Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетига, институт халқ контроли комитетига, ўқув бўлимларига тушунтириш хати берганман. Наби Ҳамроевга бу ёзувлари ўринсизлигини ва институтнинг обрўйига тегишини айтганман.

Ҳужжат: Нурилла Жўраевга характеристика. Н. Жўраев 1975 йилдан буён институтда ишлайди. 1977 йилда доцент бўлди. 1984 йилда кафедра мудирлигига сайланди. Лекция, лаборатория ишларини талаб даражасида уддалайди...

Изоҳ: Характеристиканинг давомида Н. Жўраевнинг ютуқлари, жамоат ишларини қойиллатиши ҳақида сўз боради. Фақат сўнгги жумлаларда (ҳозирги одатга кўра!) унинг қизиққонлиги ва ўртоқларининг фикрларини ҳар доим ҳам инобатга олавермаслиги қайд этилган.

Шикоят: Н. Жўраев институт раҳбарлари ва бошқалар билан ҳам тил топа олади. У меҳнатсиз даромад кўришнинг хилма-хил йўлларини билади. Қисқа вақт ичида учта «ГАЗ—24» машинасини алмаштирди. 01—23 СНК; А 04—01 СН; В 23—22 СН номерли машиналарнинг иккитасини юқори нархда пуллади.

Ҳужжат: Область давлат автоинспекцияси шуни маълум қиладики, Н. Жўраев номида В 23—22 СН номерли 1982 йилда чиққан «ГАЗ—24» автомашинаси бор, холос. 01—23 СНК номерли машина ҳам унга қараган, ҳозир эса ҳисобдан чиқарилган. А 04—01 СН номерли машина эса А. Сунақулов номида бўлиб, ҳисобдан чиқарилган.

Шикоят: Н. Жўраев 1980 йилда ишдан четлатилган эди. Лекин умр йўлдоши Раъно Расулова Ш. Рашидовга қариндош эканлиги туфайли у яна ўз жойига тикланди.

Ҳужжат: Буйруқ № 152-К. 1980 йил 8 июль. Н. Жўраевга 4 июлдан 28 августгача меҳнат отпускаси берилсин ва шундан кейин ўз ихтиёрига кўра вазифасидан озод қилинсин. Ректор Қ. Ҳотамов, (собиқ).

Ҳужжат: Буйруқ № 246-К. 1980 йил 19 ноябрь. Н. Жўраевни вазифасидан озод қилиш ҳақидаги буйруқ унинг аризаси йўқолгани учун бекор қилинсин. Ректор Қ. Ҳотамов.

Ариза. Мен, Нурилла Жўраев, айтишим зарурки, интизомсизлик туфайли Наби Ҳамроевнинг ўзи ҳам бир марта ишдан четлатилган.

Ҳужжат: Буйруқ № 246-К. 1978 йил 13 сентябрь. Меҳнат интизомини бузгани, сабабсиз прогул қилгани учун ўқитувчи Наби Ҳамроев Ўзбекистон ССР 4КЗОТнинг 41 моддаси билан ишдан бўшатилсин. Ректор Қ. Ҳотамов.

Ҳужжат: Самарқанд область суди 1979 йил 16 октябрда қарор қиладики, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг № 246-К буйруғи асоссиз эканлиги учун бекор қилинсин...

Шикоят: Хуллас, Н. Жўраев мени турли йўллар билан таъқиб қила бошлади. Ёзган шикоятларим вақтида текширилмади. Унинг қўли баланд келаверди.

Ҳужжат: Физика кафедраси мажлиси (1987 йил 24 июнь) протоколидан кўчирма. Кун тартиби: кафедра ассистенти, педагогика фанлари кандидати Н. Ҳамроевнинг 5 йиллик ўқув-меҳнат фаолияти ҳақида ҳисоботи. Шу масала юзасидан Н. Ҳамроев ҳисоботи эшитилди. Унга саволлар берилди.

Жўраев Н: — Ҳисобот даврида неча марта дарслар узилишига сабаб бўлдингиз?

Ҳамроев Н: — Бирор марта ҳам сабабсиз дарс узилиши бўлмаган. Асосан кафедра мудири, деканат, ўқув бўлими айби билан шундай ҳоллар юз берган...

Изоҳ: Протокол 16 бетдан иборат бўлиб, уни мажлис раиси Н. Жўраев имзолаган. Аввалига Н. Ҳамроев қаттиқ «тергов» қилинган. Кейин уни «дўппослаш»га ўтишган. Кафедра мудири Н. Жўраев Наби Ҳамроевни эгаллаб турган вазифаси учун сайловга тавсия этмаслик ҳақида таклиф киритган. Ўқитувчи А. Қаршибоев эса унга олти ой муҳлат бериш ҳақида фикр билдирган. Кафедра мудирининг талаби устун келиб, Н. Ҳамроевнинг беш йиллик фаолияти қониқарсиз деб топилган ва уни сайловга тавсия этмасликка қарор қилинган. Кейин бу масала зооинженерлик факультети илмий кенгашида кўрилган. Вазифаларни эгаллаб туришни назорат қилувчи комиссия ҳам кафедра қарорини маъқуллаган. Орадан кўп ўтмай институт илмий кенгаши буни тўғри, деб топган.

Шикоят: — Мен баъзилар билан курашаман деб шу кўйга тушдим. Улар демократиядан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишди. Шу пайтгача яна кимни шу йўл билан четлатишди?

Ҳужжат: Институт кадрлар бўлими: 1987 йилда барча профессор-ўқитувчилар состави кейинги беш йиллик муддатга тўла сайловдан ўтишди.

Шикоят: Аввалига маҳаллий ташкилотларга мурожаат қилдим. Текширишлар натижасиз бўлаверди. Мен эса «ашаддий шикоятчи»га айландим.

Ҳужжат: Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми топшириғига биноан республика Давлат агросаноат комитети Наби Ҳамроевнинг шикоятини ўрганиб чиқди. Ҳақиқатан ҳам Н. Жўраев раҳбарлик қилаётган кафедрада ҳамжиҳатлик, ҳаммаслаклик йўқ. Кафедра институтдаги энг бўш бўғинлардан бири ҳисобланар экан... Кафедра мудири Н. Жўраев қўполлик қилади. Доцент А. Қорабоев унинг қўл кўтаргани, ургани ҳақида ёзма кўрсатма берди... Шуни таъкидлаш керакки, Н. Ҳамроев йиғилишларда, кейин эса ёзма равишда Н. Жўраевга бўлган эътирозларини институт ректорати ва парткомига маълум қилган. Улар масалага жиддий эътибор бермаганлар...

Изоҳ: Бу хатда институтдаги ва унинг физика кафедрасидаги жиддий камчиликлар кўрсатилганди. Муҳокама қилиш, чора кўриш учун институтга юборилди. Лекин бу ерда шошилишмади. Нега? Бу саволга жавобан қўлимизга СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг 1987 йил 10 июлдаги (профессор-ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш ҳақидаги) 500-қарорини тутқазишди. Яъни, «Биз қўлимиздан келганини қилдик, қолган гап юқорида» дейишди. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети эса аниқ бир хулоса ясамади. Балки уларда ҳужжатлар етишмагандир? Шу сабаб биз ўзимиздаги маълумотларни ҳам уларнинг ихтиёрларига ҳавола қиламиз. Зора, асқотиб қолса?!

Қарс икки қўлдан чиқади дейишади. Биз ҳикоя қилган воқеада бунинг акси бўляпти. Фақат бир қўлдан овоз чиқяпти. Иккинчи қўл эса мушт ҳолича турибди.

Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Спорт

ОЛИМПИАДА АРАФАСИДА

Спортчилар ва мухлислар ҳаётида ҳаяжонли кунлар яқинлашмоқда. Яна саккиз кундан кейин Жанубий Корея пойтахтида Олимпиада машъаласи порлайди. Жаҳоннинг энг етук спортчиларидан иборат командалар йирик анжуманга йўл олмоқдалар. Зеро, Олимпиадага тайёргарлик кўриш даври ҳар бир спортчи учун катта босқич. Уни юксак масъулият, куч ва маҳорат «тарозусида» ўлчашга, баҳолашга тўғри келади. Боиси ҳар бир тренер ва спортчи тўрт йил мобайнида бутун ҳаракатлари қандай самара бериши, нимага қодир эканини намойиш этиши, юксак натижали чиқишлар билан эътироф топиши, назарга тушиши ва ниҳоят энг йирик спорт анжумани — Олимпиада иштирокчилари сафидан ўрин олишга эришмоғи даркор. Шунинг учун ҳам Олимпиадада совриндор бўлиш эмас, балки олимпиадачи бўлиш ҳам катта фахр дейишади.

Совет олимпиадачилари маҳорат кўрсатиш, ғолиблик супасига кўтарилишга аҳд қилишган. Улар ҳур республикалар иттифоқи — она-Ватан, миллионлаб мухлислар ишончини оқлашлари, совет спорти байроғини янада баланд кўтаришлари лозим эканини қалбдан ҳис этадилар. Мамлакатимиз олимпиадачилари делегацияси сафар олдидан Қизил майдонда тўпландилар. В. И. Ленин мавзолейини зиёрат қилдилар, Мангу олов пойига гулчамбарлар қўйиб, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатларини яна бир бор намоён этдилар. Олимпиадачиларимиз бир группаси кеча Сеулга жўнаб кетди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

КЎПКУРАШЧИЛАР БАҲСИ

Тошкентда кўпкураш бўйича ўтказилган мамлакат чемпионати кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Мусобақада Бирлашган кўнгилли физкультура-спорт жамияти биринчи командаси ғалаба қозонди. Армиячилар коллективи билан Бирлашган кўнгилли физкультура-спорт жамияти иккинчи командаси қолган совринли ўринларни эгаллашди. Шахсий ҳисобда олмаоталик И. Пупченок ўнкураш бўйича зафар қучди. Еттикурашчилар ўртасида П. Никитина, И. Матюшева ва Е. Марценюклар совриндор бўлишди.

ДЗЮДО:

ФАХРЛИ ЎРИН

Полтавада Бутуниттифоқ студентлар ўйинлари программаси бўйича ўтказилган беллашувларда 185 полвон қатнашди. Ўзбекистон жисмоний тарбия институти студенти Р. Болтаев 86 килограмм вазнли дзюдочилар орасида бронза медалини қўлга киритди. Энди у Тбилисида ўтказиладиган жаҳон биринчилигида қатнашади.

СТУДЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ СИРТҚИ УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

ҳамма мутахассисликлар учун

II курс студентлари учун — 12 СЕНТЯБРДАН 18 СЕНТЯБРГАЧА;

III курс студентлари учун — 19 СЕНТЯБРДАН 26 СЕНТЯБРГАЧА ЛЕКЦИЯ, АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР СЕССИЯСИНИ ЎТКАЗИШИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

●

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

**15, 16 сентябрь соат 20.00 да
17, 18 сентябрь соат 16.00 ва 20.00 да**

Бутуниттифоқ ва Халқаро конкурслар лауреати, Қозоғистон ССР халқ артисти

Роза РИМБАЕВА,

Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Бутуниттифоқ ва Халқаро конкурслар лауреати

«ДОС-МУҚАСАН» вокал-чолғу ансамбли ҳамда

«АРАЙ» ЧОЛҒУ АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

●

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

8 СЕНТЯБРЬ соат 19.30 да СССР 51-чемпионати I-лиганинг

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ЗАРЯ» (Ворошиловград) **командалари ўртасида**

ФУТБОЛ

Танаффус вақтида спорт-буюм лотереяси ўйналади. Серия номерлари — 042001 дан 044000 гача.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ФРАНЦИЯ, ИТАЛИЯ ВА ЯПОНИЯДА муваффақиятли ўтган гастроллардан сўнг

10 СЕНТЯБРДА

Машҳур масхарабоз, РСФСР халқ артисти Евгений МАЙХРОВСКИЙ иштирокида

МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Икки бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа

ТОМОШАЛАР — соат 19.30 да, шанба кунлари — соат 16, 19.00 да; якшанба кунлари — соат 12, 15, 18.00 да бошланади.

Билетлар олдиндан сотилмоқда.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қишлоқ жойлардан келган томошабинларнинг заявкалари навбатдан ташқари қабул қилинади.

Касса — соат 10.00 дан 20.00 гача, дам олиш кунларисиз ишлайди.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-28-04, 44-35-84.

●

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/IX да **Зебуннисо**, 9/IX да **Боғчасарой фонтани** премьераси.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—8/IX да **Олтин девор**, 9/IX да **Келинлар қўзғолони.**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратининг партия ва касаба союз ташкилотлари Марказий Комитет Қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлимининг мудири З. О. Ботировга онаси

Назира ҲУСАИНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• Гиёҳвандлик—иллат

КЎКНОРИФУРУШ «ДЕҲҚОНЛАР»

Кейинги йилларда собиқ Навоий областида гиёҳвандлик, нашавандлик ва ароқхўрлик каби иллатларга қарши кураш кучайди.

Ҳозир областда ички ишлар органлари томонидан 500 га яқин гиёҳванд ва нашавандлар рўйхатга олинган. Улар билан тегишли тарбиявий профилактика ишлари олиб борилияпти. Шулардан 130 га яқини гиёҳванд деб топилиб, уларга тарбиявий ишлардан ташқари, медицина йўли билан даволаш чоралари кўриляпти. Ачинарлиси шундаки, уларнинг салкам ярми 30 ёшгача бўлган кишилар бўлиб, улар орасида хотин-қизлар ҳам бор.

Яқинда областда «қора афюн» операцияси ўтказилди. Операциянинг мақсади — кўкнор ва таркибида бошқа наркотик моддаларни сақловчи экинларни топиб йўқотиш эди.

Милиция ходимлари томонидан жамоатчилик вакилларининг ёрдамида 3 ярим минг квадрат метрдан ортиқроқ майдондаги кўкнори ўриб ташланди. Ана шу экинларни эккан 30 кишини жиноий жавобгарликка тортиш учун тергов органларига тегишли ҳужжатлар топширилди. Ана шундай «деҳқончилик» билан шуғулланаётган баъзи бир кишилар билан сизларни таништирмоқчимиз. Улар орасида ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган ёши улуғ кишилар, коммунист деган юксак номга доғ тушираётган шахслар ҳам бор. Қизилтепа районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг 9-бригадасида яшовчи 63 ёшли Жума Орипов ҳовлисидаги 28 квадрат метр майдондаги кўкнор ўриб ташланди. Навоий район «Гигант» совхозининг 4-бўлимида яшовчи Темир Исломов ҳовлисидаги 20 квадрат метр, шу совхознинг 5-бўлимида яшовчи Дорбой Назаров томорқасидаги 75 квадрат метр майдондаги кўкнорилар ҳам ўриб ташланди.

Хатирчи район Киров номли колхоз трактор паркининг омбор мудири, КПСС аъзоси Жўрақул Қаршиев 17 квадрат метр ерга, Навбаҳор район Жамбул номли совхознинг ишчиси КПСС аъзоси Темир Усмонов эса 20 квадрат метр майдонга кўкнори сепган экан. Хатирчи районидаги «Олтинсой» совхозида яшовчи З. Абдуллаев, Д. Эшмуродов ва А. Ороловлар ҳам кўкнори етиштиришда юқоридагилардан қолишишмаган. Номлари келтирилган бу кўкнори экувчилар етиштираётган «ҳосил» — оғу кўплаб ёшларни заҳарлаб, саломатликларига катта зарар етказишини, ёш оилалар барбод бўлишига «хизмат» қилишини наҳотки тушуниб етмасалар? Шу моддаларни истеъмол қилган кишилар жиноят кўчасига киришини тасаввур эта олмасалар?

Гиёҳвандлик ёмон иллат. Бу хавфли иллатга қарши курашда ҳуқуқ-тартибот органларигина эмас, қишлоқ Советлари активлари, хўжалик раҳбарлари ва жамоатчилик вакиллари, комсомол ташкилотлари фаол қатнашишлари керак.

Б. МУРТАЗОЕВ.

Редактор **Л. ҚАЮМОВ.**

• Тингланг, томоша қилинг

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Футбол. Европа кубоклари. 16.30 — Янгиликлар. 16.45 — Қайта қуриш прожектори. 16.55 — «Пэктусандан Кэсонгача». КХДР ҳақида кинопрограмма. 17.40 — ..16 ёшгача ва ундан катталар. 18.25 — Мусиқали хазина. 19.10 —Дунё воқеалари. 19.30 — Футбол. Европа кубоклари. «Спартак» (Москва) — «Гленторам» (Шимолий Ирландия). 20.20 — «Жальгирис» (Вильнюс) — «Аустрия» (Австрия). 21.10 — «Боратс» (Югославия) — «Металлист» (Харьков). 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Л. Зильберштейн чалади (фортепьяно). 22.30 —Резонанс. 23.45 — Халқ куйлари. 24.00 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Москва бўйлаб саёҳат. 9.35 — Табиатшунослик. 10.05— Испан тили. 11.05 — Илмий-оммабоп фильмлар. 11.35 — Биология. 12.05 — Испан тили. 13.05 — «Болаларимиз учун уй». Бадиий фильм, 3 ва 4-сериялар. 15.05 — Янгиликлар. 15.15 — «Омега» варианти». Бадиий фильм, 3-серия. 18.35— Янгиликлар. 18.45 — Агар соғлом бўлай десанг. 19.00 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 20.00 — Ритмик гимнастика. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — «Буревестник» ҳақида афсона». 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Болаларимиз учун уй». Бадиий фильм. 3- ва 4-сериялар.

ЎзТВ-I. 15.00 — «Раис ўғли». Бадиий фильм. 16.25 — Истеъдодли ишчиларни излаймиз. 17.30 — ЎзССР тарихи. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Ёшлик. 18.45 — Агросаноат: тажриба ва муаммолар. 19.15 — Ижод саҳифалари. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Олти ёшлилар ўқишмоқда. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қизлар гулдастаси. 21.30— Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Футбол. «Пахтакор» — «Заря». 23.00 — «Ленин йўлланмаси билан». Бадиий фильм.

ЎзТВ-II. 19.30 — «Дала, ҳовли юмушлари». 20.00 — Телефильм. 20.45 — Реклама. 20.55 — Транспорт ва йўловчи. **Фрунзе.** 21.30 — Время. 22.05 —Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Эҳтиросли интервью. 22.25 — «Плюмбум ёки хатарли ўйин». Бадиий фильм.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Кўнгил таронаси. 9.30 — Ёшлик куйлайди. 9.45 — Советлар ва қайта қуриш. 12.10 — Ишчинома. 12.30 — Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари. 13.00 — Малши. 13.30 — М. Тошматов куйлайди. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.00 — Гидрометеорологлар учун эшиттириш. 15.40 — А. Алланазаров. «Полвон кўтаргулик юк». Повестдан парча. 18.15 — Болгария миллий байрами — Озодлик кунига. 18.30 — Болгария эстрадаси артистлари ижро этади. 19.20 — Юность Узбекистана. 19.50 — Халқаро кундалик. 20.30 — Футбол. «Пахтакор» — «Заря». 21.15 — Чорвадорлар учун концерт. 22.45 — М. Ойнақулова куйлайди. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.